

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 29 июнь, № 135 (8197) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ПАХТАЧИЛИК ВА ТЎҚИМАЧИЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июнь куни пахта ҳосилдорлигини ошириш ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Тўқимачилик тармоғи ҳам хомашё, ҳам экспорт, ҳам аҳоли бандлигида улкан салоҳиятга эга. Фақат илмга асосланиб самарадорликни ошириш, жайдари айтганда, "ишнинг кўзини билиш" керак.

Шунинг учун Президентимиз ташаббуси билан бу соҳада тўлиқ кластер тизими жорий этилди. Сўнгги уч йилда пахта-тўқимачилик кластерларига 23 триллион сўмдан зиёд имтиёзли маблағлар ажратилди. Бундан ташқари, уларнинг ўзлари ҳам қарийб 7 триллион сўм хусусий инвестициялар сарфлаган.

Ушбу тизим натижасида 350 га яқин йирик фабрикалар ишга туширилди. Ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 5 баробар ошди, экспорт эса 4 баробар ўсиб, қарийб 3 миллиард долларга етди.

Беш йил аввал юртимизда етиштирилган пахта толасининг атиги 40 фоизи қайта ишланган бўлса, бугунги кунда 100 фоиз ўзимизда қайта ишланмоқда.

Ҳажм бўйича айтганда, жами қувватлар 1 миллион 300 минг тоннага етди. Лекин 1 миллион тонна тола ишлаб чиқарилмоқда. Яъни ҳозирнинг ўзида 300 минг тонна тола етмаяпти. Келгуси беш йилда бу эҳтиёж яна 600 минг тоннага ошиши кутилмоқда.

Калава ипни тайёр маҳсулотгача қайта ишлаш даражаси ҳам паст — 23 фоиз. Бу йилига 9 миллиард доллар даромад бой берилмоқда, деганиi.

Шунингдек, бугунги кунда тўқимачилик тармоғида 400 минг киши меҳнат қилмоқда. Агар бутун тизим илм ва замонавий технологиялар асосида тўғри ташкил қилинса, иш ўринларини 1 миллионга етказиш мумкин.

Шу боис йиғилишда илмга асосланган уруғчилик ва агротехнологиялар ҳисобига пахта ҳосилдорлигини ошириш, толани чуқур қайта ишлаб, соҳанинг экспортини 2 бараварга кўпайтириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Маълумки, бунинг учун, аввало, барқарор ва сифатли хомашё керак. Лекин уни етиштиришнинг ўзи бўлмаяпти. Олимларимиз яратган 100 центнергача ҳосил берадиган пахта навлари жойларга етказилмаяпти.

Сўнгги йилларда кундузги ва тунги ҳарорат бир хил бўлиб қолаётгани, янги турдаги ҳашаротларнинг кўпайиб бораётгани ушбу шароитга чидамли навларни кўпайтиришни тақозо қилмоқда. Ғўзани ўғитлашни ўзгартириш, гербицид ва пестицидларни ҳам тартибга солиш зарур.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари Президент ҳузурида инновацион ривожланиш вазири бошчилигида Пахтачилик кенгаши ташкил этиш таклифини билдирди.

Бу кенгаш ҳар йили ҳосилдор ва эртапишар навларни ҳудудлар кесимида кўпайтириш ва экишни ҳар бир кластер бўйича белгилаб беради, иқлим ва ҳарорат ўзгаришларига мос бўлган ўғитлаш схемасини ишлаб чиқади, гербицид ва пестицидлар қўллашни тартибга олади. Шунингдек, ҳашаротларга қарши курашиш бўйича ҳар бир ҳудудга мос агротехнологияларни ишлаб чиқади. Бунинг учун мазкур кенгаш ҳузурида илмий марказ ҳам ташкил қилинади.

Президент ҳар бир кластерда уруғчилик, тупроқ таҳлили ва биолабораториялар ҳамда уруғ тайёрлаш цехлари бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Сувни тежаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Сўнгги икки йилда юртимизда 169 минг гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш жорий қилинган. Лекин кўп кластерлар, айниқса, фермерлар буни йўлга қўйишга қийналмоқда. Чунки харажати қиммат.

Агар соҳада эркин рақобат бўлса, илм билан ёндашилса, томчилатиб суғоришни жорий этиш харажатини гектарига 15 — 20 миллион сўмга тушириш мумкинлиги айтилди. Шунинг учун электрон порталга ҳамма таъминотчиларни киритиб, сув тежовчи технологиялар нархи ва хизматлар сифатини баҳолаб борадиган шаффоф тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Кластерлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари кучайтирилиши, битта туманда кўпи билан 2 та кластер ташкил этилиши белгиланди.

Йиғилишда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада тадбиркорларга кенг шароит яратиб бериш учун алоҳида индустриал зоналар ташкил қилиниши белгиланди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ушбу мажмуаларни бошқаришга чет эл компанияларини ва ишлаб чиқаришга нуфузли брендларни жалб қилиш вазифаси қўйилди.

**— Пахтамизга бойкот бекор қилинганидан сўнг, хорижий компаниялар маҳаллий корхоналар билан ҳамкорлик қилишга, миллий маҳсулотларимизга катта қизиқиш билдирмоқда. Агар ҳудудларимизга брендлар олиб кирилмаса, маҳаллий маҳсулотларимиз жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши қийин, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Бўялган трикотаж мато ва газлама экспорт қилувчиларга 10 фоизгача миқдорда субсидия берилиши, чет элга тайёр маҳсулот етказиб бериш учун, буюртмага асосан, алоҳида авиарейслар йўлга қўйилиши қайд этилди. Брендлар учун зарур бўлган фурнитура ва аксессуарлар ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

Тўқимачилик корхоналарини қўллаб-қувватлаш механизмлари янада кенгайтирилиши белгиланди. Жумладан, Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортчи корхоналарга айланма маблағ учун 5 миллион долларгача ресурслар табақалаштирилган тартибда ажратилади. Хорижда омборхоналарни ижарага олиш харажатларини қоплаб бериш учун чекланган майдон 100 квадрат метрдан 500 квадрат метрга оширилади. Бу мақсадлар учун Экспортни рағбатлантириш агентлигига 100 миллион доллар ажратилади.

Давлатимиз раҳбари тўқимачилик корхоналари молиявий ҳисобот бўйича халқаро стандартларга ўтиши зарурлигини таъкидлади.

**— Бу дунё бозорига чиқиш, хорижий брендлар билан ишлаш ва тўғридан-тўғри кредитлар жалб қилишга замин яратади, — деди Президент.**

Тўқимачилик корхоналарини хомашё билан узлуксиз таъминлаш чоралари ҳам кўрсатиб ўтилди. Пахта толаси ва калава ипни биржага мунтазам чиқариш, улар учун тўлов тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Соҳа учун солиқ ва божхона маъмурчилиги ҳам енгиллаштирилиши, хусусан, хомашёни божхона ҳудудида қайта ишлаш тартиби соддалаштирилиши қайд этилди.

Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамда Ўзбекистон — Корея тўқимачилик технопарки яхлит тизим асосида ишлаб, янги ўқув йилидан "дуал" таълим тизими жорий қилиниши айтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосарлари, тармоқ мутасаддилари, ҳокимлар ва тадбиркорларнинг фикрлари эшитилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВРИДА БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Солиқ қонунчилиги талабларини енгиллаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг янги воситаларини самарали жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайтириш ва бизнес юритишни соддалаштириш мақсадида:

1. **2022 йил 1 июлдан** бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектларига (фойдаланилмаётган объектлар) ҳамда ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби (таъсирчан солиқ механизми) **бекор қилинсин**.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда автотранспорт воситалари ҳайдовчилари учун қўшимча қулайликларни яратиш, аҳолининг автотранспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, фуқароларимизнинг бу борадаги истаклари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик билан ўтказилган **очиқ мулоқот** доирасида аҳолидан автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга рухсатнома бериш учун **тўлов ставкалари миқдорини камайтириш** ҳамда автомототранспорт воситаларини **техник кўрикдан ўтказиш муддатларини** қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар келиб тушаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**(Давоми 2-бетда).**

**30 июнь — Халқаро парламентаризм куни**

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси

## КУЧЛИ ПАРЛАМЕНТ ВА ХАЛҚ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЯНЧИ



Маълумки, 30 июнь — Халқаро парламентаризм куни сифатида кўплаб мамлакатларда кенг нишонланади. Бу кун нафақат дунёдаги парламент ва қонунчилик органлари ходимлари учун, балки Ер юзи аҳолиси учун ҳам катта байрам. Нега деганда, бу сана жаҳонда парламент тизимининг ўрнини ошириш ва бутун дунё аҳолисининг ҳаётини яхшилаш ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ушбу сана тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у Парижда Парламентлараро Иттифоқ тузилган кун, яъни 1889 йил 30 июнь билан чамбарчас боғлиқ. 2018 йил 22 майда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида бу кунни Халқаро парламентаризм куни сифатида белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шу ўринда Парламентлараро Иттифоқ ҳақида қисқача маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқ. Мазкур нуфузли ташкилотга дунё мамлакатларининг 179 парламенти аъзо бўлган. Мазкур тузилма глобал мулоқот майдони сифатида барча миллатлар ўртасида ҳамкорлик ва мулоқотни рағбатлантириб, тинч ва ҳамжиҳат келажакни таъминлашга қаратилган самарали қарорлар қабул қилиб келмоқда.

Мамлакатимиз 2017 йил 13 октябрдан ушбу ташкилотдаги аъзолигини қайта тиклаган бўлиб, ўтган давр мобайнида Олий Мажлис мазкур халқаро тузилма билан яқиндан алоқага киришган.

➔ 2

**ДУНЁ НИГОҲИ**

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА КИРИТИЛИШИ ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР

### МАМЛАКАТНИНГ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШДАГИ ИНТИЛИШЛАРИГА ҲАМОҲАНГ

*"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг муҳокамаси хорижий экспертлар ҳамжамияти вакилларининг ҳам диққат марказида бўлиб турибди.*

*Экспертлар фикрларига кўра конституциявий ислоҳот муҳим зарурат бўлиб, замонавий шароитда у нафақат Ўзбекистоннинг демократик тараққиётига, балки Марказий Осиё минтақаси ва бутун Евроосиёда барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.*

**Габор ҲАМЗА,
Этвош Лоран университети профессори, қиёсий конституциявий ҳуқуқ бўйича мутахассис (Венгрия):**

— Менинг мутахассислигим қиёсий конституциявий ҳуқуқ бўлганлиги учун ҳозирда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотларга қизиқишим жуда баланд.

Жорий йил 20 июнь куни Урганч шаҳрида "Инсон — жамият — давлат" конституциявий тамойилини амалга ошириш: миллий ва хорижий тажриба" мавзуида халқаро конференция ишида қатнашиб, конституциявий ислоҳотларнинг муҳимлиги ва долзарблиги бўйича тегишли маълумотларни олган эдим.



Ўтган шанба куни расмий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси билан танишиб чиқиб, бунда таклиф этилаётган янги нормалар узоқни кўзлаган ва кенг қамровли масалаларни ўз ичига олганининг гувоҳи бўлдим.

Ушбу ўзгартишларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича, хусусан, давлатнинг атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириши тўғрисидаги норманинг киритилиши дунё ҳамжамиятининг экологик мувозанатни сақлашга қаратилган фаолиятига Ўзбекистон ҳам ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, конституциявий ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳати сифатида инсон, жамият ва давлат ўртасида мустаҳкам кўприк барпо этиш мақсад қилинганлигини алоҳида қайд этмоқчиман. Венгрияда 2012 йилда янги Конституция қабул қилинганига қарамасдан, бизда ҳам шундай ислоҳотларни ўтказишнинг пайти келди. Чунки Конституция қотиб қолган догма эмас, у доимий равишда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларга қараб замон талабларига ҳамоҳанг равишда янгиланиши лозим.

➔ 3

**Депутатлар — ҳудудларда**

## ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ЖАРАЁНИДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

*Мамлакатимизда конституциявий ислоҳотлар жараёни қизғин паллага кирди. Нуроний ва ёшлар, турли миллат вакиллари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, умуман, жонажон Ўзбекистонимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз ўз таклифларини беришда давом этмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам фаоллик кўрсатишяпти.

Депутатлар ўз сайлов округида бўлиб, ушбу қонун лойиҳасининг сайловчилар, электорат вакиллари ҳамда аҳоли ўртасида умумхалқ муҳокамасини ташкил қилишда иштирок этаётир.

* * *

Жойларда бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, кўплаб таклифлар олинмоқда.

Деҳқонобод тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамда тумандаги мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Актам Ҳаитов иштирок этди.

Тадбирда Президентимизнинг шу йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда илгари сурган таклифлари, конституциявий ислоҳотлар жараёнининг навбатдаги босқичида ЎзЛиДеП ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракциясининг ўрни ва роли ҳақида фикр алмашилди.

➔ 4

## СЎЗ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ

### ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ШИЖОАТГА, ЖАСОРАТГА УНДАМОҚДА

*Президентимизнинг куни кеча матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини эшитиб, соҳанинг бир вакили ўлароқ қалбим қувончдан, фахр-ифтихордан тўлқинланиб кетди. Юртбошимиз табрикда ижод аҳлининг залварли меҳнатини эътироф этиш билан бирга, соҳани янада тараққий эттириш, мавжуд муаммоларни бартараф қилишга қаратилган таклифларни, фикр-мулоҳазаларни билдирди.*

**Акс садо**

Давлатимиз раҳбарининг шу куни эълон қилинган "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони фидойи ҳамкасбларимизга байрам туҳфаси бўлди, "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор медиа тузилмаларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, эҳтиёжманд ва ёш журналистларни уй-жой билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаб бергани боис соҳага ўзини дахлдор сезган ҳар бир инсонни янада руҳлантириб юборди.

➔ 5

**Таҳририят почтасидан**

## ЧИРЧИҚ СУВИ ВА ҚИРҒОҒИ МУҲОФАЗАГА ОЛИНДИ

*"Халқ сўзи" газетасининг 2022 йил 13 апрель сонида эълон қилинган "Дарёнинг уволи урмасин!" сарлавҳали танқидий мақола юзасидан Тошкент вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Жўраевдан жавоб хати олдик.*

*Унда жумладан шундай фикрлар билдирилган:*




"Мақолада таъкидланганидек,Чирчиқ дарёси қирғоқларида жойлашган тадбиркорлик субъектлари — карьерлар ва тош майдалаш цехларининг амалдаги қонун ва тартиб-қоидаларга зид тарзда иш юритиши дарё қирғоғи хавфсизлигига, дарё ўзани ҳамда аҳоли яшовчи ҳудудлардаги экологик вазиятнинг ёмонлашувига, ер ости чучук сувларининг камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бу ҳолатларни изчил ўрганиш ҳамда тегишли чоралар кўриш юзасидан Тошкент вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси, "Ўзбекгидрогеология" ДУК ҳамда Чирчиқ — Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси мутахассислари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилиб, мақолада кўтарилган мавзу атрофлича муҳокама қилинди.

➔ 5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ДАВРИДА БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Белгилансинки, **2023 йил 1 мартга қадар**:

ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида олинган товарлар (хизматлар) номенклатурасига ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига **мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттирганлик учун молиявий жарима солинмайди**;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобга олиш (сотиб олиш (қуриш), ишга тушириш, қайта баҳолаш, тасарруф этиш) ҳамда ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантириш ва камайтириш билан боғлиқ барча операцияларни **солиқ органларининг "Е-актив" ахборот тизимида акс эттириш ихтиёрий ҳисобланади**.

3. **2022 йил 1 июлдан** шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мажбурий равишда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида эътироф этиладиган тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома **солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб автоматик равишда берилади**. Бунда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти солиқ органлари томонидан мониторинг қилиб борилади ва мониторинг давомида солиқ хавфи ҳолатларининг аниқланиши қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга асос бўлади;

солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши бу ҳақида солиқ органлари томонидан **беш иш куни олдин хабарнома юборилгандан сўнг** ҳамда мазкур муддатда камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда **тўхтатиб турилади** (бундан амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мувофиқ келмаслиги ёки солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган манзилда мавжуд бўлмаганлиги ҳолатлари мустасно).

4. Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари, илмий доиралар ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат Жамоатчилик кенгаши муҳокамаларида кўтарилган масалалар асосида солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин ҳамда солиқ органларининг ахборот тизимларини такомиллаштириб борсин;

мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, шунингдек, солиқ маъмуриятчилигида жорий этилган сўнгги ўзгаришлар тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг тушунтириш ишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғи орқали тизимли равишда ташкил этсин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ қўмитаси раиси **Ш.Д.Кудбиев** белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари **Ж.А.Кўчқоров** зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. **2022 йил 1 июл**дан бошлаб:

енгил автотранспорт воситаларининг орқа ён ойналари тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун **рухсатнома олиш тартиби бекор қилинсин**;

жисмоний ва юридик шахсларнинг енгил автотранспорт воситалари олд ён ойналари тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома берганлик учун тўлов миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **саккиз баравари** этиб белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 сентябр**дан бошлаб:

а) ишлаб чиқарилганига ўн йилгача бўлган жисмоний шахсларга тегишли енгил автомототранспорт воситаларини **техник кўрикдан ўтказиш ихтиёрий равишда амалга оширилади**;

б) енгил автомототранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишнинг қуйидаги муддатлари белгиланади:

ишлаб чиқарилганига ўн бир йилдан ўн тўрт йилгача бўлган енгил автомототранспорт воситалари — **икки йилда бир марта**;

ишлаб чиқарилганига ўн беш йил ва ундан ортиқ бўлган енгил автомототранспорт воситалари — **бир йилда бир марта**.

Бунда мазкур муддатлар тижорат асосида йўловчилар ташиш фаолиятида фойдаланиладиган енгил автомототранспорт воситалари учун татбиқ этилмайди.

4. Автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан бир қаторда ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари томонидан ҳам амалга ошириш тартиби жорий этилсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга** қадар ойналари тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсат берилган автотранспорт воситасига бўлган эгалик ҳуқуқи ўзгарганда, давлат рақами белгиси алмаштирилганда ёки автотранспорт воситаси эгасининг маълумотларида ўзгариш бўлганда автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) берилган рухсатноманинг амал қилиш муддатини **автоматик тарзда сақлаб қолиш** тартибини жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 28 июнь

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси

# КУЧЛИ ПАРЛАМЕНТ ВА ХАЛҚ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАЯНЧИ



1 Юртимиз мустақилликка эришгач, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири ўлароқ миллий парламентимиз демократик принциплар асосида ривожлана бошлади. Қонун чиқарувчи олий орган сифатида давлатимиз суверенитетини, фуқаролар тинчлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга, жамиятда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқди ва қабул қилди.

Агар ривожланган давлатлар парламентлари шаклланиши тарихига қарайдиган бўлсак, унда ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳар бир алоҳида мамлакатнинг ижтимоий ва давлат ҳаёти, миллий анъаналари, халқнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий хоҳиш-иродаси намоён бўлганини кўришимиз мумкин.

Шу маънода айтиш мумкинки, сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнлари жадал давом этаётган бир даврда, ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари — парламент, маҳаллий Кенгашларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

**Ўтган даврда давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда Сенатнинг давлат бошқарувидаги ўрни мустаҳкамланди.**

**Хусусан, Президентимизнинг алоҳида эътибори натижасида юртимиз тараққиётининг янги босқичида жадал ривожлана бошлаган ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар, туризм, соғлиқни сақлаш ва коррупцияга қарши самарали курашиш каби жараёнлар Сенат қўмиталари фаолиятининг ҳам асосий йўналишлари сирасига киритилди. Шунингдек, хотин-қизлар ва гендер тенглик, ёшлар, спорт йўналишларида алоҳида қўмиталар ташкил этилиб, бу борадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва бартараф қилишда парламент роли оширилди.**

Давлатимиз раҳбари ўз фаолиятини бошлаган илк йилданоқ, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммоларни, Оролбўйи минтақаси аҳолиси турмуш шароитлари ва сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. БМТ бош минбаридан туриб мазкур масалага оид глобал таклиф ва ташаббусларни илгари сурди ва улар дунё ҳамжамияти томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Президентимиз ташаббуси билан Оролбўйи ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини жойига чиққан ҳолда ўрганиш, мутасадди вазирлик ва идораларнинг ҳисоботларини бевосита ҳудуднинг ўзида эшитиш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Сенатда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси ташкил этилди.

Асосан фаолиятини ҳудуднинг ўзида олиб борадиган ушбу қўмита томонидан Қорақалпоғистон Республикасидаги 700 дан ортиқ объектлар ўрганилди ва улардаги мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилди. Жумладан, ўтган йил давомида қарийб 9 трлн. сўм маблағлар ўзлаштирилиб, мингдан ортиқ лойиҳалар ишга туширилди, 8 мингдан зиёд янги иш ўринлари очилди. Шунингдек, 268,5 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилиши ҳисобига 95 та лойиҳа муддатидан олдин ишга туширилиши, қўшимча 853 та иш ўрни яратилиши таъминланди.

Сўнгги 5-6 йил ичида мамлакатимизда очиқлик ва ошкораликни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, улар устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, сўз ва фикр эркинлигини кафолатлаш бўйича тизимли ишлар уддаланди.

Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 16 июндаги Фармонида давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, ушбу йўналишда парламент иштирокини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда юқори палата таркибида Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Қисқа вақт ичида мазкур қўмита деярли барча даражадаги давлат органлари ва уларнинг ҳудудий тузилмаларида ахборот сиёсати, очиқликни таъминлаш борасидаги ишлар ҳолатини танқидий ўрганди. Қўмита ташаббуси билан соҳага доир долзарб масалалар юзасидан парламент эшитувлари ўтказилди, Ҳукуматга сўровлар киритилди.

Албатта, мана шу янгиланишлар Сенатнинг мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда фаолият юритиши ва уларнинг самарадорлигини таъминлашда фаол иштирок этиши учун катта имкониятлар яратмоқда.

Сўнгги йилларда Сенатнинг қонунчилик фаолиятига ёндашуви тубдан янгиланди. Ушбу йўналишда Сенат асосий эътиборини ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва янада мустаҳкамлашга қаратмоқда. 2010 — 2016 йилларда жами 179 та қонун кўриб чиқилган бўлса, 2017 — 2021 йилларда 341 та қонун парламент юқори палатасининг ялпи мажлисларида муҳокама этилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Такомилига етмаган, бугунги талабларга жавоб бермайдиган 10 дан ортиқ қонунлар рад этилди. Аввал бундай ҳоллар деярли кузатилмаган.

Қонунларни кўриб чиқишда, айниқса, ҳудудлар манфаатларини илгари суриш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалалар устуворлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий Кенгашларда ҳам қонунлар муҳокамасини ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар Сенатнинг масъул қўмитаси томонидан кўриб чиқилиб, кўп ҳолларда қабул қилинмоқда.

Шунингдек, Сенат қўмиталари Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан биргаликда турли тармоқлар фаолиятига доир, айниқса, ижтимоий хусусиятга эга амалдаги қонунларни мунтазам мониторинг қилиб бормоқда. Мониторинг натижалари умумлаштирилиб, Ҳукумат вакиллари иштирокида йилда икки маротаба кенг муҳокама этилмоқда. Шу тарзда, ўтган давр мобайнида 50 дан зиёд қонунлар тизимли таҳлил қилиниб, улардаги номувофиқликларни бартараф этиш, бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган нормаларни янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва Ҳукуматга киритилди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳасида очиқлик, ошкоралик муҳитини яратиш, халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат бошқаруви органлари ҳисобдорлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу маънода, давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини олиб боириш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди. Буни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари, давлат раҳбарининг парламентга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, жумладан, ҳар йилги давлат дастури ижроси юзасидан Ҳукумат ҳисоботини эшитиш ваколати қонунда мустаҳкамланганини мисолида кўриш мумкин.

**Конституциявий ваколатлар доирасида Сенатда Ҳисоб палатаси ва Марказий банк бошқаруви раислари, Бош прокурор ҳисоботлари кўриб чиқилиши баробарида, бугунги кунда Омбудсман, Болалар масалалари бўйича миллий комиссия раиси, Ички ишлар, Адлия ва Ташқи ишлар вазирликлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ҳокимлар ҳамда мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳисобот ва ахборотлари эшитиб борилмоқда.**

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Авваллари Сенатнинг ялпи мажлислари уч-тўрт ойда бир марта ўтказилган бўлса, сўнгги йилларда деярли ойига биттадан тўғри келмоқда. Нега деганда, юртимизда ўзгариш ва янгиланишлар жадал кетаётган бир пайтда кўплаб янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш, амалдагиларини такомиллаштириш зарурияти юқори. Қолаверса, Сенат мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар қамрови ҳам сезиларли равишда кенгайди. Мана шу ҳисоботлар ҳам айнан ялпи мажлисларда қизғин муҳокама қилинади. Улар шунчаки, номига ўтказилмайди. Аввало, масалалар сенаторлар томонидан чуқур ўрганилади ва соҳадаги тизимли муаммо ва камчиликлар аниқланиб, сўнгра муҳокамага олиб чиқилмоқда. Натижада уларни ҳал этиш бўйича амалий чоралар белгиланиб, ижроси қатъий назоратга олинаётир.

Бугун жамиятимизда, давлат ташкилотлари фаолиятида "маҳаллалар кесимида ишлаш", "халқ ичига кириш", унинг "дардига қулоқ солиш", "ташвишига шерик бўлиш" ва "муаммоларни жойида ҳал этиш" тамойиллари тобора мустаҳкамланиб бораётган бир даврда Сенат ҳам парламент назорати фаолиятини тўлалигича ҳудудлар, соҳа ва тармоқлардаги тизимли масалалар ечимига, жойларда аҳолини қийнаб келаётган долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирмоқда.

Ҳар бир сенатор ўзи сайланган ҳудудга масъул этиб бириктирилган. Улар мунтазам равишда жойларда бўлиб, аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказмоқда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли давлат идоралари томонидан амалий чораларнинг белгиланиши ва амалга оширилишига эришиб келмоқда.

**Агар 2010 — 2016 йиллар давомида Сенат томонидан 192 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилган бўлса, 2017 — 2021 йилларда бундай тадбирлар сони 400 дан ошди.**

Давлат бюджетини шакллантиришда ҳудудлар манфаатлари ифода этилишига устувор аҳамият қаратиляпти. Сенат томонидан ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш якунлари бўйича охирги икки йилда 4 мингдан зиёд муаммоли масалалар ҳал этиш учун Ҳукуматга киритилди. Улар асосида 2021 йил ва жорий йилги Давлат бюджети параметрлари ва инвестиция дастурлари доирасида қўшимча қарийб 10 трлн. сўм маблағ ажратилишига эришилди.

Бевосита Ҳукумат билан ҳамкорликда Боёвут, Бўстон, Олот, Қарши, Тўрақўрғон туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилди ва уларнинг ижроси доимий назорат қилиб келинмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида ушбу дастурлар ижроси ҳолатини ўрганиш асносида ўз вақтида бажарилмаган 200 дан зиёд вазифалар юзасидан Ҳукумат ҳамда тегишли ҳокимликларга аниқ топшириқлар берилди. Натижада мазкур ҳудудларда ижтимоий соҳа объектлари ва йўл инфратузилмасини яхшилаш мақсадлари учун республика бюджетидан қўшимча 110 млрд. сўм маблағ ажратилишига эришилди.

**Назорат-таҳлил фаолияти доирасида парламент сўрови институтидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. 2020 йилдан шу кунга қадар муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар, жумладан, жойларда аҳолини қийнаб келаётган долзарб муаммолар юзасидан Ҳукуматга 30 га яқин парламент сўровлари юборилди. Авваллари ушбу имкониятдан деярли фойдаланилмаган.**

Қайд этиш керакки, парламент сўровига фақатгина назорат шакли сифатида қарамасдан, балки унда кўтарилган муаммони ҳал қилишда Ҳукумат билан ўзаро амалий ҳамкорлик воситаси сифатида ёндашмоқдамиз. Қолаверса, сенаторлар томонидан юборилаётган юзлаб сўровлар ҳам ҳудудлардаги долзарб муаммоларнинг самарали ечим топишига хизмат қилаётир.

Парламент дипломатияси дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, муаммоларнинг манфаатли ечимини топиш, низоларнинг олдини олишга хизмат қилади, шунингдек, халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиради ва такомиллаштиради.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сўнгги 5-6 йил давомида Ўзбекистон айнан мана шу йўналишлар бўйича ўз миллий манфаатлари ва ташаббусларини халқаро миқёсда янада самарали илгари суриш мақсадида парламентлараро алоқани ривожлантирмоқда. Жумладан, Парламентлараро Иттифоқ, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси каби халқаро тузилмалар билан ўзаро ришталар янада мустаҳкамланди. Улар билан биргаликда бир қатор халқаро тадбирлар, форумлар, анжуманлар ўтказдик. Жумладан, Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик", Самарқанд шаҳрида кенг жамоатчилик ва дин арбоблари иштирокида ташкил этилган "Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлашда парламентнинг роли" каби йирик халқаро форумларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

**Ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти уюштирилиб, унга илк раисликни Ўзбекистон ўз зиммасига олди. Мулоқот доирасида 10 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, 8 та якуний ҳужжат қабул қилинди. Уларда Марказий Осиё аёлларининг давлат бошқаруви, превентив дипломатия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тадбиркорлик ва бизнес, маданият, таълим, фан, санъат, гендер тенглиги ва умуман, барқарор ривожланиш соҳаларида ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.**

Мазкур формат айни пайтда гендер тенгликни таъминлаш масалаларида илғор тажриба ва амалиёт алмашинуви учун тўлақонли мулоқот майдони сифатида шаклланди ва Ўзбекистон унда етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Биз қисқа давр мобайнида бу борада тўпланган тажриба ва эришилган ютуқлардан келиб чиққан ҳолда, айнан шу форматдаги мулоқотни мамлакатимиз ичида ташкил этишга қарор қилдик. Асосий мақсадимиз аёлларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида мустаҳкамлаб қўйишдан иборат.

Жорий йил бутун дунё парламентлари раҳбарлари — Спикер аёлларининг форумига Ўзбекистон мезбонлик қилади. Парламентлараро Иттифоқнинг ушбу қарорини мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишларимизнинг халқаро эътирофи сифатида қабул қилиш мумкин.

Шунингдек, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган 25 та парламентлараро гуруҳ ва 2 та комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, Россия Федерал Мажлиси билан парламентлараро қўшма комиссия фаолияти қайта тикланди, АҚШ Конгрессида Ўзбекистон билан дўстлик гуруҳи тузилди.

Айни пайтда Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси ва бошқа шу каби нуфузли халқаро парламент тузилмалари доирасида ҳамкорлик ривожлантирилмоқда.

Кейинги йилларда Президентимиз томонидан коррупция, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, хотин-қизлар масалалари, гендер тенгликни таъминлаш, халқаро рейтинглар билан ишлаш каби қатор долзарб йўналишларда тузилган миллий комиссиялар фаолияти бевосита Сенатга юклатилиши ҳам парламент юқори палатасига бўлган ишонч ифодасидир.

Бу йўналишларда мамлакатимизда сўнгги йилларда тарихий ислоҳотлар амалга оширилди. Мисол сифатида айтадиган бўлсак, биргина мажбурий меҳнатга, айниқса, болалар меҳнатига батамом барҳам бериш бўйича бир қатор қатъий чоралар кўрилди. Аввало, бу борада 32 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, қонуний база мустаҳкамланди. Халқаро меҳнат ташкилотининг 19 та конвенцияси ратификация қилиниб, халқаро қоида ва стандартлар соҳа амалиётига жорий этилди.

Кўрилган ушбу чоралар ўзининг ижобий натижаларини берди. Кўплаб хорижий давлатлар ва халқаро тузилмалар мамлакатимизда мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнатига барҳам берилганини эътироф этди. Энг муҳими, жорий йилда "Cotton Campaign" деярли 13 йил давом этган Ўзбекистон пахтасига қарши бойкотни бекор қилди.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлат бошқаруви тизими тубдан такомиллаштирилиб, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда унинг маҳалладан то ҳукумат даражасигача бўлган тизими яратилди.

Хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳасида фаоллигини кучайтириш бўйича Миллий дастур тасдиқланди, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси тузилди.

Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди.

Олий Мажлис палаталари ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти аъзолари ҳам ёшлар манфаатларини илгари суриш, улар ҳаётидаги долзарб муаммоларни парламент мажлислари кун тартибига олиб чиқиш ва Ҳукумат эътиборини қаратиш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилишини рейтинг асосида баҳолаш тизими йўлга қўйилиб, ҳудуд раҳбарларининг бу борадаги фаолиятини баҳолашнинг аниқ мезонлари ва тартиби ишлаб чиқилди. Мазкур тизим доирасида ёшлар билан ишлашда алоҳида намуна кўрсатиб, рейтинг бўйича ғолиб деб топилган ҳудуд ҳар йили 30 июнь — Ёшлари куни муносабати билан ўтказиладиган республика ёшлар форумига мезбонлик қилади. Ҳудуднинг ёшлар билан самарали ишлаш бўйича тажрибаси мамлакатимизда кенг оммалаштирилади.

**Бугун мамлакатимизда "Кучли парламент ва халқ вакиллик органлари — Янги Ўзбекистоннинг таянчидир", деган тамойил асосида халқ ҳокимиятини, парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтиришга қаратилган ислоҳотлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.**

Шу кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий воқелик — парламент томонидан ишлаб чиқилган янгиланган Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилмоқда. Албатта, халқимиз ҳаётида, юртимизнинг янги тараққиёт босқичида бу жараённинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини барчамиз яхши англаймиз. Шу маънода, ҳар биримиздан янада жипс ва ҳамжиҳат ҳамда фаол бўлиш талаб этилади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимизнинг ўзаро бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигида бетакрор юртимизда барқарор жамиятни, бардавом тараққиётни таъминлашга эришамиз.

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА КИРИТИЛИШИ ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШЛАР

## МАМЛАКАТНИНГ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШДАГИ ИНТИЛИШЛАРИГА ҲАМОҲАНГ

1 Айнан шу талабларни теран англаган ҳолда мамлакатингиз раҳбари бошчилигида конституциявий ислоҳотларнинг илгари сурилиши, махсус комиссия тузилиб, халқнинг ўзидан таклифлар олиниб, қонун лойиҳаси ҳолига келтирилиши Европа, хусусан, Шарқий Европа давлатлари амалиёти учун ҳам янгилик ҳисобланади.

**Санжай ПАНДЕЙ,**
**Жавоҳарлал Неру университетининг Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази профессори (Ҳиндистон):**



— Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида кенг қамровли, чуқур демократик ислоҳотлар жараёни амалга оширилмоқда. Барча соҳада — сиёсий, маъмурий, ҳуқуқий, ижтимоий, диний, иқтисодий, савдо ва бошқа йўналишларда рўй берган ўзгаришлар ва муваффақиятли ислоҳотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, бу жараёнларнинг ортга қайтмайдиган тус олганлигидир. Ўз навбатида, Ўзбекистондаги кенг қамровли ислоҳотлар жараёни Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорликнинг ривожланишига ва сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишида муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида эътирофга сазовор.

Сиёсий соҳадаги ислоҳотлар вақт ва изчил саъй-ҳаракатларни талаб қилувчи мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараён давомида парламент, президентлик, суд, сиёсий партиялар, сайлов тизимига босқичма-босқич ва аниқ ўзгартишлар киритилади. Ушбу ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши давлат ва жамиятнинг демократлашувини кафолатлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда мамлакатдаги ислоҳотлар жараёнини навбатдаги муҳим босқичга олиб чиқиш юзасидан ўз фикр ва таклифларини билдирди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, қисқа вақт давомида Конституциявий комиссияга фуқаролардан 60 мингдан ортиқ турли таклифларнинг келиб тушганлиги ушбу ўзгартишларнинг нақадар долзарблигини яққол кўрсатди.

Президент комиссия аъзолари билан мулоқоти чоғида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор масала эканлигини таъкидлади. Бу борада тегишли муҳим тузатишлар таклиф этилди. Хусусан, ўлим жазосининг мамлакатда бекор қилинганлигини конституциявий мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан шахс қўлга олинганида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушланганини содда тилда тушунтириш, "Хабеас корпус" институтини ривожлантириш, судланган шахсларнинг қариндошлари маҳкумнинг қилмишлари учун ҳеч қандай жабр тортмаслигини таъминлаш лозим. Мазкур масалаларда тегишли нормалар Конституцияда акс эттирилиши таклиф қилинди.

Ўзбекистон Президенти ижтимоий тенгсизликни камайтириш, фуқароларни зарур уй-жой, сифатли таълим, тиббий хизмат, тоза ичимлик суви, муносиб иш ҳақи, хавфсиз меҳнат шароити билан яратиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш бугунги кунда энг муҳим вазифа эканини таъкидлади, "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган тамойилни Асосий Қонунда мустаҳкамлаш конституциявий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлишини билдирди.

Эркин ва адолатли фуқаролик жамияти ривожланиши билан боғлиқ масалаларга яна бир устувор йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилди. Бу борада маҳалла институтини эзгулик ва миллий анъаналар бешиги сифатида ривожлантириш бўйича билдирилган таклифлар ҳар томонлама ўринли ва долзарб, деб ҳисоблайман.

Давлат раҳбари томонидан Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида қайд этилди. Бу борада давлат органлари фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва ҳисобдорликни таъминлаш қоидаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлиснинг ҳукуматни шакллантириш ва муҳим лавозимларга тайинлаш бўйича ваколатларини кенгайтириш, жойларда ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини юксалтириш, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини ошириш масалалари бугунги кундаги ислоҳотлар жараёнининг муҳим қисми эканлигига тўлиқ қўшиламан.

Шунингдек, таклиф этилаётган ўзгартишларда Конституцияга "Ўзбекистон барча давлатлар, энг аввало, ўзининг яқин қўшнилари билан тинчликпарвар ва дўстона сиёсат юритиши, унинг ташқи сиёсати инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат қилиш, давлатларнинг ҳудудий яхлитлигига оид принцип ва нормаларга асосланиши" ҳақидаги моддани қўшиш таклифини қўллаб-қувватлайман. Бу Ўзбекистоннинг минтақада олиб бораётган очиқ, дўстона ташқи сиёсатида қатъий эканини дунё ҳамжамиятига намойиш этади.

Ўйлайманки, таклиф қилинаётган конституциявий ислоҳотларнинг референдум йўли билан амалга оширилаётганлиги Асосий Қонуннинг мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг фаровон ҳаёти ва келажаги учун тутган аҳамиятини кўрсатади.

**Макс СЕЙ,**
**Малайзиянинг "Kingsley Strategic Institute" ижрочи директори:**



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ўзгаришлар ва ислоҳотлар динамикасида Конституция ҳам тараққиётга зарурат сезмоқда. Бу, аввало, республика фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Конституцияга киритиш таклиф этилаётган ўзгартишлар "Инсон — жамият — давлат" тамойилига асосланганн ва Ўзбекистоннинг амалдаги Асосий Қонунининг кўплаб боблари бўйича ўзгартишлар назарда тутилаётгани қувонарлидир.

Шунингдек, 60 мингдан ортиқ таклифлар тушганидан далолат берувчи конституциявий ислоҳотлар ғоясини Ўзбекистон халқи жуда юқори даражада қўллаб-қувватлашини ҳам қайд этишни истардим.

Ишончим комилки, Ўзбекистонда бўлажак конституциявий ислоҳотлар аҳоли фаровонлиги ва мамлакат иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

**Фредерик СТАРР,**
**АҚШнинг Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси, профессор:**

— Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотлар, бутун минтақа учун жуда истиқболли ва алоҳида аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Мен уларни жуда ижобий деб биламан, чунки ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқларини аввалгидан кўра аниқроқ белгилайди, шу билан бирга, адолатнинг ролини оширади, Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуришдаги интилишларини ифодалайди.



Бу борада Президент Шавкат Мирзиёевнинг эскича "Давлат — жамият — инсон" ғоясини "Инсон — жамият — давлат" тамойилига ўзгартириши жуда муҳимдир.

Асосий Қонунни сезиларли даражада яхшилаши мумкин бўлган кўплаб таклиф этилаётган ўзгартишларни таъкидлашни истардим. Давлат органлари фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва ҳисобдорликни таъминловчи нормалар керак. Вилоятлар раҳбарлари бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиши тўғрисидаги нормани Конституциядан чиқариб ташлаш нафақат бюрократиядан халос этади, балки маҳаллий даражадаги ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини даражасини оширади.

100 минг кишидан иборат фуқаролар гуруҳига давлат манфаатларини илгари сурувчи қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бериш ҳам аҳамиятлидир.

Ҳақиқат шундаки, Конституция таҳлил, мунозара ва миллий баҳс жараёнидир. Ўзбекистонда бу жараён шаффоф ва инклюзив бўлишига ишончим комил.

Бизнингча, Конституциявий ҳуқуқ институти бўлиши керак. Ушбу муассаса Конституция, конституционизм ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда бурчларини муҳокама қилиш учун ҳам долзарб. Ривожланаётган Конституцияга бўлган бундай миллий эътибор ислоҳотлар самарадорлигини таъминловчи мустаҳкам пойдевор бўлади.

Ўзбекистоннинг фаол дипломатик саъй-ҳаракатлари ва яхши қўшничилик сиёсати минтақа тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон якка ижрочи эмас, балки ўтмишдагидан кўра бир-бирини яхшироқ тушуна бошлаган, умумий тил топа олган ва муаммоларни ҳал қилиш учун бирлашаётган Марказий Осиё давлатларининг тенг аъзоси. Бу минтақанинг ривожланиши учун ҳам жуда муҳимдир.

Марказий Осиё океанга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган ягона минтақадир. Бу ҳудуддаги мамлакатлар Жанубга йўл очиши кераклигини яхши англашади. Бу уларга Жануби-Шарқий Осиёнинг улкан бозори билан савдо қилиш имкониятини беради. Энг самарали йўл эса Афғонистон орқали бўлади.

Ўзбекистон нафақат етакчи, балки, энг муҳими, минтақаларнинг ўзаро боғлиқлигини кенгайтириш бўйича минтақавий саъй-ҳаракатларнинг мувофиқлаштирувчиси ҳамдир. Ўзбекистон ушбу муҳим масалаларни илгари суриш, шу жумладан, "Толибон"нинг Афғонистон орқали ўтадиган савдо ва транзит йўлларига бўлган қизиқишини ошириш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш йўлларини топишга муваффақ бўлмоқда.

Демак, Тошкентга, бутун Марказий Осиё давлатларига ушбу масалага жиддий ёндашгани учун тасанно, деймиз. Менимча, бу минтақа келажагининг калитидир.

**Нурий ҚИЗИЛЧА,**
**Эрон Исломий Кенгаши Мажлисидаги Эрон — Ўзбекистон парламентлараро дўстлик гуруҳи раҳбари:**



— Ҳар бир давлат ўзининг Бош қомуси мукаммал бўлишини ва уни мамлакат фуқароларининг талаб ҳамда таклифларига сўзсиз жавоб бера олишини хоҳлайди. Ушбу йўналишда доимий изланишлар олиб боради, шу билан бирга, хорижий тажрибани чуқур ўрганади. Эроннинг Конституцияси 1979 йилда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган. Орадан 10 йил ўтиб, 1989 йилда Конституцияга қатор ўзгартишлар киритилган. Хусусан, Эронда президентлик институти жорий этилди, ҳукуматни шакллантиришнинг механизмлари ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ қилиб белгилаб берилди.

Эрон Конституциясига киритилган ушбу ўзгартишлар жараёнида Бош қомусимиз халқимиз тарихи, қадриятлари ҳамда миллий давлатчилигимизнинг устувор ғоялари устига қурилди, Бельгия, Франция ва бошқа давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланилган.

Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган амалий ишларни олқишлаймиз.

Мен 2021 йилда ўтказилган Президент сайловида хорижий кузатувчи сифатида Ўзбекистонга борган эдим. Овоз бериш жараёнлари билан яқиндан танишиш мақсадида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги 18 дан ортиқ сайлов участкаларида бўлиб, сайловчилар билан мулоқотлар ўтказдим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатингиз фуқаролари билан бўлиб ўтган мулоқотлар жараёнида Ўзбекистонда қисқа муддатларда амалга оширилган кенг кўламдаги ислоҳотлар самарасини бевосита ҳис этдим.

Ёшидан қатъи назар, сайловчиларнинг овоз бериш учун участкаларга фаол ташриф буюриши ва уларнинг аъло кайфияти мен учун кутилмаган ҳолат бўлди. Ўзбекистонга амалга оширилган ушбу сафарим асносида бевосита ўзбек халқининг юқори даражадаги сиёсий онгини, Президент Шавкат Мирзиёевга бўлган юксак ҳурмат-эътиборини ҳис қилдим. Буларнинг барчаси давлатингиз раҳбарининг халқчиллиги, ўз фуқароларига бўлган чексиз муҳаббатидан далолатдир.

Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотлар ўзбек давлатчилиги, фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Конституцияга ўзгартиш киритиш масаласини умумхалқ референдуми ўтказиш орқалигина ҳал қилиш бўйича илгари сурган ташаббуси ушбу сўзларимнинг яна бир исботидир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Бош қомусига киритилаётган ўзгартишлар, хусусан, Конституцияда инсон, унинг ҳаёти ва қадр-қимматини улуғлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" ғояларини мустаҳкамлаш, экологик-ҳуқуқий нормалар ва электрон ҳукуматни ривожлантириш асосларининг ифода этилиши бўйича таклифлар бизда катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу таклифлар ҳозирги замон талабларидан келиб чиққани ҳамда Ўзбекистон Конституциясининг бугун дунё ҳамжамиятида рўй бераётган сиёсий-иқтисодий жараёнлар, технологик тараққиёт ва шаклланаётган янги муҳит талаблари билан ҳамнафас бўлишини таъминлашга қаратилган, десам, муболаға қилмаган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига ушбу муҳим сиёсий тадбирни ўтказишда муваффақият тилайман.

**Изро МАЛАКОВ,**
**Нью-Йорк шаҳридаги "Шашмақом" мактаби асосчиси ва раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти:**



— "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси билан жамоамиз тўлиқ танишиб чиқди. Ўтказган муҳокамалар жараёнида ҳар бир соҳа, хусусан, ижтимоий жабҳалар тўлиқ қамраб олинганлигини кузатдик.

Конституцияга киритилиши таклиф қилинган ўзгартиш ва қўшимчалар референдум жараёнида тасдиқланган тақдирда, ушбу ҳужжат Ўзбекистон халқининг сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, қолаверса, мамлакатнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистонда бошланган улкан ислоҳотларни самарали амалга оширишда ушбу масалаларнинг аҳамияти кун сайин тобора ортиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Айнан шу сабабли, Ўзбекистон ёшларига Конституцияни чуқур ўрганиш, англаш, ҳаётга жорий этиш ва унга сўзсиз амал қилишни ҳаёт тажрибасига эга инсон сифатида маслаҳат бераман.

Туғилиб ўсган юртимиздан олисда истиқомат қилишимизга қарамай, Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб боряпмиз. Фурсатдан фойдаланиб, она Ватанимда олиб борилаётган ислоҳотларни тўлиқ қўллаб-қувватлашимни яна бир бора таъкидламоқчиман.

**Пармжит СИНГХ,**
**Осиё — Тинч океани технология ва инновация университети раиси (Малайзия):**



— Малайзия академик доиралари вакили сифатида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг инсоният янги илмий ва технологик босқичга қадам қўйгани ҳақидаги фикрларига тўлиқ қўшиламан. Дунёда фундаментал трансформация жараёнлари ва рақобат кучаймоқда. Эртанги кунни ўйлайдиган халқлар ва давлатлар ўз келажагига ҳар қачонгидан кўра жиддийроқ муносабатда бўлади.

Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотни амалга оширишни жуда долзарб, деб ҳисоблайман. Конституция суверен демократик давлат қуришнинг асосий ҳуқуқий ва қонунчилик базаси сифатида замон талабларига жавоб бериши керак. Унинг устувор йўналишларидан бири — иқтисодий ислоҳотлар ва бошқа соҳалардаги ўзгаришлар жараёнини амалга оширишда инсон манфаатларини таъминлашдир.

Ўзбекистондаги конституциявий ўзгаришлар ва умуман, мамлакат ҳаётига татбиқ этилаётган ислоҳотлар "Инсон — жамият — давлат" тамойили асосида амалга оширилаётгани қувонарлидир.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг янгиланган Конституцияси мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиясининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ва ишончли кафолати бўлади, ўзбек халқининг эртанги фаровон ҳаётини таъминлайди.

**Маркабай ААМАТОВ,**
**"Ала-Тоо" адабий-бадиий журналининг бош муҳаррири, Қирғизистон халқ шоири:**



— Қардош ва қўшни Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар, ободончилик ишлари, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги фаолияти Қирғизистонда ҳам мамнуният билан қабул қилинмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Конституциясига референдум орқали муҳим янги ўзгартишлар киритиш ҳақидаги ташаббуси Қирғизистон зиёлилари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Охирги йилларда Ўзбекистондаги катта ўзгаришлар жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида бўлиши оддий ҳолга айланди. Чунки бу ислоҳотлар биринчи галда Ўзбекистон фуқароларининг ҳаётини яхшилаш, уларнинг демократик эркинлигини таъминлаш ва кенгайтиришга қаратилган.

Президентнинг ижтимоий давлат барпо этиш нияти ҳозирги даврда халқ фаровонлигини таъминлашнинг ягона усулидир. Унда кўзда тутилган малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган таълим, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш — ижтимоий давлатнинг асосий вазифаларидир. Бу кенг қамровли ишларни бажариш ўта қийин ва жиддий вазифа. Бундай муҳим ва кенг қамровли дастурларни Асосий Қонун орқали мустаҳкамлаб, амалга ошириш мақсад қилингани эътирофга лойиқ.

Барчамизга маълумки, ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутади. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратишни талаб қилади. Бу каби омилларнинг деярли чегараси кўринмайди. Бундай олий ниятларни амалга оширишда ўзбек қардошларимизга омад тилаймиз.

**«Дунё» АА.**

# ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

## Бош қомусимизда ифода этилади

*Ўзбекистонда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни ўрганиш ҳеч қачон ҳозиргидек кенг қамровда ташкил этилмаган. Фуқаролар ёши, касби, ҳунари, қизиқиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, ўзлари истаган воситалар орқали таклиф, фикр йўллаш имкониятига эга бўлди.*

*Хусусан, "Менинг Конституциям" онлайн платформаси ишга туширилди. Мазкур порталда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича фуқаролар ўз таклифларини билдирмоқда. Ҳамюртларимизга қулайлик яратиш мақсадида онлайн платформа билан бирга маҳаллалар, халқ депутатлари Кенгашлари, "1341" қисқа рақамли Call-марказ, почта ва электрон почтадан ҳам таклифлар қабул қилинади. Қолаверса, "Telegram" ижтимоий тармоғида махсус "@meningkonstitutsiyam_bot" ташкил этилгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.*



Конституция бу шахс, жамият, давлат шаклланишида, унинг бошқарувида ҳамда тақдирида энг муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг ўзгариши бутун халқ манфаатига дахлдор масала ҳисобланади. Демак, жараёнда фаол бўлиш, таклиф ва фикрлар билдириш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз саналади.

Бош қомусимизда фуқаролар тенглиги тамойили кафолатлангани, мамлакатимизда кейинги йилларда ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини амалда таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар замонавий демократик тараққиётга хизмат қилмоқда. Унда белгиланган юксак умуминсоний ва демократик қадриятлар халқимиз қалбидан тобора мустаҳкам жой олмоқда. Бу "Инсон қадри учун" деган устувор тамойилни рўёбга чиқаришда пойдевор вазифасини бажармоқда. Ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизимини яратиб бериш ҳаётий мақсадга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция куни билан халқимизга йўллаган табригида ҳам Асосий Қонунимиз эришилган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори, халқимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, кенг кўламли ислоҳотлар, ўзгаришларнинг таянчи бўлиб келаётгани қайд этилди.

Ўтган даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очиқлик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Одамларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ошди. Шунинг баробарида, Ўзбекистон Конституциясининг янги лойиҳаси тайёрланиб, мамлакат Бош қомусини таҳрир қилиш зарурати ҳақида кенг қамровли ташаббуслар илгари сурилмоқда. Улардан бири "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлаш таклифи кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

"Ижтимоий давлат" деганда, ижтимоий соҳага жуда катта эътибор қаратиладиган, фуқароларнинг тенглиги, уларнинг турли табақаларга ажралишига йўл қўймайдиган, умумфаровонлик таъминланган жамият тушунилади. Айрим ривожланган Европа мамлакатларида давлатнинг ижтимоий мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланган. Масалан, Германия Конституциясида унинг ижтимоий давлат эканлиги белгиланган. Бизда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми Асосий Қонунда кўрсатилмаган эди. Аммо ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган сиёсат ижтимоий давлатнинг туб замини яратилганидан далолат беради. Ўн йиллардан буён ҳар йили Давлат бюджети маблағларининг эллик фоиздан ортиғи ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётганининг ўзи ҳам буни яққол исботлайди.

Фикримизча, бундан кейин ҳам ижтимоий соҳа, айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш йўналишига эътибор янада кучаяди. Конституциямизга "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойилининг муҳрланиши мамлакатимизнинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, ижтимоий адолат, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият принциплари ҳукмронлик қиладиган, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги сўзсиз таъминланган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган ва барча аҳоли қатлами учун муносиб ҳаёт шароити яратилган ижтимоий давлат сифатида ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиши йўлида хизмат қилади.

Бугун ҳам Конституциямизда ўз ифодасини топган ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат принципини амалда таъминлаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Энг аввало, камбағалликни икки баробар қисқартириш мақсад қилиб олинди. Айнан шу йўлда ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали механизмлари жорий этилди.

Бу ҳақда гап кетганда, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"ни, уларга киритилган фуқаролар билан тизимли ишлаш йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзолари бўлган 590 мингдан ортиқ оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ҳар бир хонадондаги аёллар ва ёшларнинг эҳтиёжи, ҳаётий муаммолари аниқланиб, 300 мингга яқин оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзолари иш билан таъминланди. Одамларда эркин меҳнат қилиш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳисобидан камбағалликдан чиқиш тажрибаси ва кўникмаси шаклланмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда учинчи Ренессанс — миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Асосий Қонунимизда кафолатланган кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш бўйича ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишда барча имконият ишга солинаётир. Хусусан, эҳтиёжманд аҳолига дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратиш кўзда тутилмоқда. Субсидиялар якка тартибдаги уй-жой қуриш ва таъмирлаш мақсадида олинган кредитлар учун ҳам берилади.

Ўткир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича Давлат дастури доирасида сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилди. Бу — олдинги беш йилдагига нисбатан 10 баробар кўп уй-жой қурилди, деганидир. Мана шундай хайрли ишлар кўлами кенгайтирилиши давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида яна бир марта ёдга олинди. Оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилгани ҳам ана шундай эзгу ишлар қаторига киради.

Келгусида ҳудудларда 1 миллиондан ортиқ аҳоли учун барча қулайлик ва ижтимоий инфратузилмага эга бўлган "Янги Ўзбекистон" даҳалари бунёд этилиши, "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурлари изчил давом эттирилиши белгиланяптики, бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бор фарзандларни тарбиялаётган ота-оналар, оғир ижтимоий аҳволга тушган аёлларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш ишига хизмат қилади. Бу каби савобли амаллар, албатта, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Мўътабар нуронийлар, хотин-қизлар, ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, хонадон ва маҳаллаларда, ягона ҳамда аҳил оила бўлиб яшаётган кўп миллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш масалалари ҳам Конституциямиздаги устувор вазифалардан ҳисобланади.

Ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди. Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

Юртимизда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробар оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси беш йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса уч баробар кўпайиб, 14 мингдан ошди. Олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилдагига нисбатан 2,5 баробар ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди. Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари олий ўқув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди. Бу ҳам Конституция халқимизнинг барча ҳуқуқларини таъминлаётганлигининг ифодасидир.

Юқоридагилардан маълум бўляптики, Ўзбекистон ўзгармоқда, янгиланмоқда, ёшармоқда. Одамларнинг кўз ўнгида янги Ўзбекистон бўй кўрсатаётир. Йиллар мобайнида ён-атрофда юз бераётган ўзгаришларга пассив томошабин ёки истеъмолчи позициясида турганларнинг аксарияти эндиликда воқеаларнинг реал иштирокчисига айланмоқда. Янги Ўзбекистонда фаоллик, яратувчанлик руҳида яшаш ҳар бир инсон учун ҳаёт тақозоси, ижтимоий заруратга айланди. Ўзбекистонимизнинг олий ижтимоий мўлжали — мамлакатимизнинг Бош қомусида акс этган моҳиятан эзгу ва инсонпарвар мазмунни ҳаётга жорий қилишда, айниқса, ёрқин намоён бўлаётир. Бу улуғ ҳаракат, энг аввало, одамларнинг яратувчанлик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, инсон капитали имкониятларидан самарали фойдаланишга ўтишдан иборат фаолиятда ёрқин ифодасини топмоқда.

Янги инсонпарвар ижтимоий сиёсат жамиятдаги барча ижтимоий қатламга мансуб фуқароларга мулкка эга бўлиш, муносиб иш, ўқиш, дам олиш ва даволаниш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини Конституция ва қонун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезони рўёбга чиқарилишида, хусусан, сўнгги йилларда ёшлар учун олий таълим олиш имкониятининг ошгани, вилоятлар марказларида замонавий кардиология ва ички касалликларни даволаш муассасалари қурилиб, ишлай бошлаганлигида, маҳаллий бошқарув соҳаси ходимлари, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа касб эгалари ойлик маошлари узлуксиз ошириб борилаётганлигида яққол намоён бўлмоқда.

Асосий Қонунимизга киритиладиган таҳририй ўзгартишлар юртимизда ижтимоий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда бундан кейин ҳам мустаҳкам кафолат бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

**Обиджон ҲАМИДОВ,**
**Бухоро давлат университети ректори,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

**Тараддуд**

# РЕФЕРЕНДУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛАДИ

*Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан жорий йилда мамлакатимиз Конституциясини ислоҳ қилиш бўйича ўтказиладиган референдумга пухта тайёргарлик кўришга доир масалалар муҳокама қилинди.*

МСК аъзолари, Котибият масъул ходимлари, ОАВ вакиллари иштирок этган мажлисда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи округ комиссиялари тўғрисидаги, Референдум участкалари ҳамда участка комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этишга оид масалалар муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи округ комиссиялари тўғрисидаги, Референдум участкалари ҳамда участка комиссиялари тўғрисидаги низомлар "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги қонун талаблари бўйича ишлаб чиқилган.

Низомлар ўз ичига комиссиялар аъзоларига қўйиладиган талабларни қамраб олган. Жумладан, комиссия аъзолигига номзодларни тавсия қилиш, комиссия таркибидан чиқариш ёки таркибини ўзгартириш, комиссия фаолиятини йўлга қўйиш, комиссияларнинг ваколатлари, уларнинг ишини режалаштириш ва ташкил қилиш тартиблари бор.

Шунингдек, участка комиссияси жойлашган бино ва овоз бериш хоналарини жиҳозлаш, овоз берувчи фуқаролар рўйхати, муддатидан олдин овоз бериш, участка комиссияси томонидан референдум куни амалга ошириладиган вазифалар, овоз беришни уюштириш каби талаб ва тавсиялар ўрин олган.

Қайд этилганидек, референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини ошириш, уларни сайлов қонунчилигидан хабардорлигини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисда референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси лойиҳаси муҳокама қилинди. Унга кўра, Марказий сайлов комиссияси котибиятининг Сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув маркази юқори малакали экспертлар билан таъминланади.

Шу билан бирга, замонавий таълим технологияларини қўллаган ҳолда референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг референдум қонунчилиги ва овоз беришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича назарий билими оширилади. Уларнинг амалий кўникмасини кенгайтиришга қаратилган семинар-тренинглларнинг ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материаллари ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида ишлаб чиқилади.

Мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

# ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (МСК) референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини ошириш ҳамда фаолияти самарадорлигини яхшилаш ва референдум жараёнлари иштирокчиларининг ҳуқуқий кўникмаларини шакллантириш мақсадида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзолади.*



Ушбу келишувга асосан МСК Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Судьялар олий мактаби, Жамоат хавфсизлиги университети, Бош прокуратура Академияси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Божхона институти билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Президентимизнинг таклифига биноан жорий йилда ўтказиладиган референдум илк маротаба "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонунга киритилган янги қоидалар асосида ўтказилади.

Шу муносабат билан референдумни юқори савияда ташкил қилиш, умумэътироф этилган халқаро тамойиллар, илғор миллий ва хорижий тажриба асосида ўтказиш мақсадида референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлашда тизимли семинар-тренингларни ўтказиш ҳамда уларни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш лозим.

МСК томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг референдум қонунчилиги ва овоз беришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича назарий билими ҳамда амалий кўникмасини оширишга қаратилган семинар-тренингларини ташкил этиш ва ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича республика штаби тузилади. Референдумга оид қонунчилик ва амалиёт бўйича юқори малакали экспертлар таркиби шакллантирилиб, уларнинг ваколат ҳамда вазифалари белгиланади.

Семинар-тренингларни уюштириш ва ўтказиш уч босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқичда ташкилий-услубий ишлар амалга оширилади. Хусусан, юқори малакали экспертлар томонидан МСК билан келишилган ҳолда семинар-тренингларнинг ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материаллари тайёрланади ҳамда тасдиқланади.

Ўз навбатида, республика штаби томонидан — мамлакатнинг етакчи олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари орасидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар бирига 6 — 8 нафардан жами 100 нафар республика тренерлари таркиби шакллантирилади.

Ҳудудий штаблар томонидан — республиканинг 208 та туман ва шаҳарлари кесимида семинар-тренингларни ташкил қилиш учун, республика штаби томонидан тайёрланган режа жадвалида белгиланган миқдорда жами 972 нафар ҳудудий тренерлар таркиби шакллантирилади.

Иккинчи босқичда референдум қонунчилиги бўйича ҳудудий тренерлар ва референдум ўтказувчи комиссиялар аъзолигига номзодларни ўқитиш йўлга қўйилади.

Давлат бошқаруви академиясида юқори малакали экспертлар томонидан 100 нафар республика тренери учун икки кунлик ўқув дастурига асосан семинар-тренинглар ўтказилади. Республика тренерлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида 972 нафар ҳудудий тренер учун икки кунлик ўқув дастури бўйича семинар-тренинглар олиб борилади.

Шундан сўнг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан участка комиссияси аъзолигига (раис, раис ўринбосари, котиб) номзод сифатида тавсия этилган жами 33 минг нафар тингловчи рўйхати шакллантирилади.

Ҳудудий тренерлар томонидан туман/шаҳар марказларида референдум участкалари учун мўлжалланган биноларда 18 — 24 нафар тингловчидан иборат шакллантирилган гуруҳлар кесимида интерфаол усулларда участка комиссияси аъзолигига номзодлар ўқитилади.

Учинчи босқичда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) ва Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимида (СЖБАТ) ишлаш бўйича тренерлар ва референдум ўтказувчи комиссиялар аъзолигига номзодларни ўқитиш ташкил этилади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Таҳлил**

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг 2 — 4 июнь кунлари Сенат қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан мазкур вилоятда хотин-қизларни касбга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш ва иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.*

# НАМАНГАНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Таъкидланганидек, 2022 йилнинг январь — май ойларида меҳнат бозоридаги тенденциядан келиб чиқиб, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 26 минг 579 нафар хотин-қизга бандлик хизматлари кўрсатилиб, улардан 10 минг 40 нафари ишга жойлаштирилган. 5 минг 474 нафари ҳақ тўланадиган ишларга жалб қилинган, 1 минг 17 нафарига 559,9 млн. сўмлик субсидия ажратилган, 887 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган. Айни чоғда 60 та бўш иш ўрни ярмаркаси ўтказилиб, 1 минг 363 нафар хотин-қизга иш учун йўлланма берилган, 616 нафари касбга ва қайта ўқитиш курсларига юборилган.

Туман, шаҳар ҳокимларининг тегишли қарори билан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 1 минг 465 та ўрин банд қилиб қўйилган бўлиб, жорий йил январь — май ойлари давомида 266 нафар ушбу тоифадаги хотин-қизлар бандлиги таъминланган.

Вилоятдаги ишсиз аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш мақсадида битта "Ишга марҳамат" мономаркази, 4 та касб-ҳунарга ўқитиш маркази, 86 та маҳалладаги касб-ҳунар масканлари орқали 4 минг 73 нафар хотин-қиз касб-ҳунарга, Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази, "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан 3 минг 170 нафар опа-синглимиз тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилган.

Шунингдек, вилоятда ушбу йўналишда яна қатор ишлар бажарилган. Аммо хато ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида иш сўраб мурожаат қилган 30 минг 374 нафар хотин-қизнинг 10 минг 40 нафари бандлиги таъминланган, холос. Мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида ахборотларни йиғиш борасидаги фаолият ҳам етарлича ташкил этилмаган. Аксарият ҳолларда аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан фақат ахборот топшириши мажбурий бўлган корхоналардангина бўш иш ўринлари ҳақида маълумот олиш ҳолатлари кузатилган.

Фаолияти ўрганилган касб-ҳунарга ўқитиш масканларида тумандаги мавжуд бўш иш ўринлари асосида қисқа муддатли қўшимча ўқув курсларини ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилмаган. Боз устига аксарият ҳолларда касб-ҳунарга ўқитиш мактаблари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Йиғилишда алоҳида қайд этилганидек, вилоят бўйича ўтган 5 ой давомида 160 нафар тадбиркор аёл фаолиятини муайян муддатга тугатган бўлиб, уларнинг ишини қайта тиклаш чоралари кўрилмаган. Бу борада вилоят бўйича энг кўп ҳолат Чуст тумани ҳиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари, вилоятда аҳолини ҳунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, "Уста — шогирд" анъанаси асосида маҳаллаларда ёшларга ҳунар ўргатиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Видеоконференция шаклида бўлиб ўтган қўшма мажлисда бу камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар юзасидан мутасадди бошқармалар бошлиқлари ҳамда Чуст ва Поп туманлари ҳокимларининг ахборотлари эшитилди.

Якунда Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**Сенатор ва ҳаёт**

# ҲУҚУҚИЙ ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА АҲАМИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

*Шу кунларда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ жараёнлар мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеликлардан бири бўлиб турибди. Энг муҳими, бу жараёнларда юртдошларимиз фаоллик кўрсатяпти. Буни "meningkonstitutsiyam.uz" платформаси, "@meningkonstitutsiyam_bot" "Telegram" боти, 1341 рақамли Call-марказ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, маҳаллий Кенгашлар, электрон почта орқали келиб тушаётган кўплаб таклифлар мисолида кўриш мумкин.*

Айни кунларда эса мамлакатимизнинг 30 га яқин шаҳар ва туманларида жамоатчилик муҳокамалари ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг барча қатламига таклиф ва мулоҳазаларини баён этиши учун имкон яратиш, турли нуқтаи назар эгаларига соғлом мунозара майдонини йўлга қўйиш, илгари сурилаётган таклифларнинг жамият ҳаётига таъсири хусусида фуқароларда аниқ тасаввур пайдо бўлишига кўмаклашишдан иборат.

Шундай тадбирлардан бири Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши котибияти ташаббуси билан ўтказилган "Менинг Конституциям!" мавзуидаги ушбу давра суҳбатида маҳаллий Кенгаш депутатлари, котибиятлар ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов конституциявий ислоҳотлардан кўзланган мақсад ва бунинг аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритди.

Боғот туманида ташкил этилган тадбирда юртимизда конституциявий ислоҳотлар жараёни қизғин паллага кирганлиги алоҳида таъкидланди. Унда қатнашган сенаторлар Баҳодир Тожиев, Умарбек Шарипов томонидан қайд этилганидек, 25 июндан бошланган умумхалқ муҳокамаси натижалари умумлаштирилиб, қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилади. Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси референдумга қўйилади.

Ўз навбатида, тадбирларда иштирокчиларга Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати ҳамда фуқаролар томонидан билдирилаётган таклифлар Конституциявий комиссияда кўриб чиқилиши ва қабул қилиниш жараёни бўйича кенг тушунтириш берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ ЖАРАЁНИДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

⬅1 Таъкидланганидек, Президентимиз илгари сурган таклиф ва ташаббуслар Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг кўп сонли аъзолари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Бош қомусимизда хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий кафолатларни кучайтириш бўйича билдирган таклифлари партия электорати бўлган тадбиркорларни ҳаракатга келтирди, фаолликка чорлади.

Тадбирда Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Асосий Қонунимизда тадбиркорликнинг ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, Конституциямизда мамлакатимизда товарлар, хизматлар, ишчи кучи ва молиявий маблағлар эркин ҳаракатланиши, ички ва ташқи савдо ривожланиши учун давлат барча шароитни яратиши ҳақидаги нормалар ЎзЛиДеП сайловолди дастуридаги мақсадларга ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг эканлиги қайд этилди.

Сўз олганлар Конституциявий қонун лойиҳасига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларда инсон қадри биринчи даражада эътироф этилаётганини таъкидлаб, қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларини билдирди.

Шаҳрисабз тумани тиббиёт бирлашмасида "Конституциявий ислоҳотлардан кўзланган мақсад — халқпарвар давлат барпо этиш" мавзуида ўтказилган тадбирда Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва халқимиз ҳаётидаги аҳамияти хусусида сўз борди.

Тадбирда қонун лойиҳаси билан жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб бўлган фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлашга, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар киритилаётгани таъкидланди.

Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

* * *

Худди шундай учрашувлар Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Жомбой туманларида ҳам уюштирилмоқда. Парламент қуйи палатаси депутати Улуғбек Вафоев томонидан ташкил этилаётган учрашувлар самимий ҳамда қизиқарли ўтмоқда. Конституцияга киритилаётган ўзгартишларни фуқароларимиз кўтаринки кайфиятда кутиб олмоқда ва фаол қўллаб-қувватлаяпти.

Мулоқотларда таъкидланганидек, ҳар бир инсон ушбу ҳужжатда ўзини, оиласини, маҳалласини, жамият ва давлатни йиллар давомида безовта қилиб келган муаммолар ечимини кўраётир. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юртимиз келажаги, Ватанимиз тақдири ва келгуси тараққиётимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бугун халқимиз учун жуда муҳим сиёсий ислоҳотлар жараёнида ўз келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг фаол иштироки мақсадга мувофиқдир.

Муҳокамаларда нафақат Конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида тушунчалар берилмоқда, шу билан бирга, лойиҳа юзасидан билдирилган жамоатчилик фикр-мулоҳаза ва таклифлари ҳар томонлама ўрганилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасини халқимиз, жамоатчилигимиз билан кенг муҳокама қилиш Бош қомусимизнинг пишиқ-пухта, янада халқчил, том маънода халқимиз хоҳиш-иродасини ифода этувчи, ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишига хизмат қилади.

* * *

Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани ҳокимлигида "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда туман ҳокими Р. Жўраев, ҳокимликнинг масъул ходимлари, ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Шарафутдинов Конституциявий қонунга киритилаётган ўзгартишлар "Инсон — жамият — давлат" принципига асосланганлиги, миллий конституциявий ўзликни акс эттириши ва амалдаги Конституциямизнинг барча бўлимига туб ўзгартишлар киритилаётгани тўғрисида қатнашчиларга ахборот берди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жумладан, парламент ваколатларини кенгайтириш, Президентлик институтини такомиллаштириш, жойлардаги вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини ажратиш масалаларини ҳам ўз ичига олган.

Конституциявий тузатишлар, авваламбор, жамиятнинг турли ижтимоий қатламларига мансуб бўлган фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилишга қаратилган тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларга айланиши таъкидланди.

Якунда иштирокчилар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

* * *

Парламент қуйи палатаси депутати Жамшид Қосимовнинг Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги аҳоли билан учрашувлари кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Депутат тумандаги маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчилари билан учрашувда "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, унда белгиланаётган нормалар ҳақида кенг тушунтиришлар берди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 24 июнь куни ўтказилган мажлисида Конституциявий қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Депутатлар томонидан Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида ҳамда норма ижодкорлиги соҳасидаги етук мутахассислар, тажрибали ҳуқуқшунослар ҳамда экспертларни кенг жалб этган ҳолда ҳар томонлама пишиқ-пухта ҳолга келтириб, такомиллаштириш мақсадида лойиҳа юзасидан умумхалқ муҳокамасини ўтказишга қарор қилинди.

Шундан келиб чиқиб, Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида, www.meningkonstitutsiyam.uz электрон платформасида эълон қилинди.

Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳаза ҳамда таклифларни "Meningkonstitutsiyam.uz" электрон платформаси, 1341 қисқа рақами, "konstitutsiya@parliament.gov.uz", "taklif@meningkonstitutsiyam.uz", "taklif@2022.uz" электрон почта манзиллари, "@meningkonstitutsiyam_bot" "Telegram" боти ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига юбориш ёки бевосита келган ҳолда тақдим этиш мумкин.

Конституцияга ўзгартишлар "Инсон — жамият — давлат" принципига асосланган бўлиб, миллий конституциявий ўзликни акс эттиради ва амалдаги Конституциямизнинг барча бўлимига туб ўзгартишлар киритишни назарда тутади.

Учрашувда ёшлар томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича берилган бир қатор таклиф ва тавсиялари тингланди.

Депутатнинг ҳудуддаги учрашувлари давом этмоқда.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фирдавс Шарипов Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тушунтириш мақсадида Денов туманида учрашувлар ўтказиб, давра суҳбатларида қатнашди.

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти фаоллар залида "Ўзбекистон Конституцияси — менинг Конституциям" мавзуида ўтказилган тадбирда халқ таълими ходимлари, умумтаълим мактаблари директорлари иштирок этди. Давра суҳбатида бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар, киритилиши режалаштирилаётган меъёрларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди, савол-жавоблар бўлди.

Тадбирда халқ таълими ходимлари фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти ва жавобгарлиги белгиланиши таклиф этилаётгани айни муддао бўлгани, педагог ходимларга қаратилаётган юксак эътибордан миннатдорликларини маълум қилди.

Денов туманидаги ҳарбий қисмда ҳам умумхалқ муҳокамаси юзасидан тарғибот тадбири ташкил этилди. Унда ҳарбий қисм раҳбарияти, офицерлар ва аскарлар қатнашди.

Конституциявий қонун лойиҳаси замонавий компьютер технологиялари асосида тақдимот қилинди. Учрашувда сўз олган ҳарбийлар Конституциявий қонун лойиҳасида Ватанга садоқат масаласи ўрин олганини алоҳида эътироф этиб, бундай меъёрлар ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлишини таъкидлашди.

Тумандаги тадбиркорлик ва педагогика олийгоҳида уюштирилган тарғибот-тушунтириш тадбирида ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, ходимлар ва профилактика инспекторлари иштирок этди. Қонун лойиҳасидаги асосий йўналишлар ҳақида видеоролик намойиш қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# СЎЗ ВА МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ

## ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ШИЖОАТГА, ЖАСОРАТГА УНДАМОҚДА







←1 Дарҳақиқат, Президентимиз халқ манфаати, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, мавжуд муаммоларни қўрқмасдан кўтариб чиқаётган журналистларни, блогерларни мунтазам қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Бугун ахборот дунёни бошқармоқда. Техника-технология тараққиёти боис энди бирор янгиликни кенг оммадан яшириш жуда қийин. Айниқса, одамларни қийнаётган муаммоларни ҳаспўшлаб бўлмайди. Бу оммавий ахборот воситаларига кенг имкониятлар яратиши билан бирга, ўз ишига масъулиятини ҳам оширмоқда.

Давлатимиз раҳбари "Матбуот кимгадир аччиқ гапирса, ёқиши ёки ёқмаслиги ҳам мумкин, бироқ биз бу йўлдан қайтмаймиз", деб алоҳида таъкидлаган эди. Оммавий ахборот воситаларида соғлом танқидий чиқишларга аста-секинлик билан бўлса ҳам муносабат ўзгаряпти, эътибор қаратиляпти. Бусиз ривожланиш бўлмайди. Тўғри, ахборот майдонидаги турли баҳс ва тортишувларда холислик мезон бўлиши, қонун ва одоб қоидалари доирасидан чиқилмаслиги, журналистик суриштирувга шахсий ғараз ва хусумат аралашмаслиги, инсон шахси ва шаъни таҳқирланмаслиги керак. Журналист кўтарган муаммони, танқидий фикрларни давлат органлари эшитишни, мулоқотни ўрганиши лозим. Эндиликда "гапирса гапирибди-да", деган замонлар ўтди. Танқид бўлдими, унинг таҳлили ҳам бўлиши керак. Энг муҳими, бундан буён одамларни алдаб раҳбарлик қилиб бўлмайди, мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилиши зарур. Янги Ўзбекистонда давлат органлари янги реалликда ишлашни ўрганиши лозимлиги давр талабига айланди.

Кейинги йилларда давлат идоралари фаолияти шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларнинг барчасида ахборот хизмати йўлга қўйилди. Лекин, назаримизда, бугун мингдан зиёд ахборот хизматлари ташкил этилган давлат идораларида улар ўз зиммасига юкланган вазифани талаб даражасида бажармаяпти. Яъни ахборот хизматлари мутасаддилари раҳбарнинг топшириғини бажарадиган югурдакка айланиб қолган, назаримизда. Агар шундай бўлса, уларнинг нима кераги бор? Табиийки, ахборот хизмати раҳбари ўзи ишлаётган корхона ёки ташкилотни мақташдан, камчиликларни хаспўшлашдан нарига ўтмай, бир жойда депсиниб тураверади. Бундан жамият ривожланмайди, аҳолининг норозилиги кучаяди.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари томонидан оммавий ахборот воситалари ижодий фаолиятига тўсқинлик қилиш, цензура ўрнатиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш, таҳририят ходимларига босим ва тазйиқ ўтказиш, материаллар ва зарур техник воситаларни улардан ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни назарда тутадиган моддаларни кучайтириш лозимлиги айтилмоқда.

Бугун журналистларнинг дахлсизлик ҳуқуқи масаласини кўриб чиқиш ҳар қачондагидан ҳам долзарб, деб ўйлайман. 1997 йилда қабул қилинган "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида "Журналист журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади. Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди", деб ёзиб қўйилган. Бироқ йиллар давомида бу қонун ишлагани йўқ. Эътибор беринг, қонунда журналистнинг профессионал касб дахлсизлиги эмас, балки бошқалар қатори "шахсга оид" дахлсизликлардан фойдаланиш ҳуқуқи борлиги ҳақида сўз боряпти.

Мухбир журналистик суриштирув орқали бирорта жиноятни ёки коррупция ҳолатини фош қиладиган бўлса, аввало, уни маълум миқдорда пора бериш орқали сотиб олиш ҳаракатига тушилади. Агар сотилмаса, унга нисбатан бемалол туҳмат уюштирилиши ёки "бахтсиз ҳодиса" содир қилиниши мумкин. Шунинг учун адвокатларга дахлсизлик борасида берилган ваколатлар журналистларга ҳам қонун йўли билан берилиши ҳозирги куннинг, жамият ривожининг шарти, деб ўйлайман.

Матбуот — ҳаёт кўзгуси. У воқеликнинг, жамият ҳаётининг инъикосидир. Жамиятдаги янгиланишлар, эврилишлар, ислоҳотлар унда акс этиб боради. Яъни у бугунги тарихни авлодларга етказади. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, медиа оламида бу миссияни газета-журналлар бажаради. Нега? Чунки келажак авлод ўшалар орқали давр эврилишларини баҳолаш имконига эга бўлишади. Бугун босма матбуот нашрларининг адади камайиб, иқтисодий аҳволи тобора мураккаблашиб бораётган бир шароитда ҳам бутун дунёда улар давлат томонидан мунтазам равишда қўллаб-қувватланиб келинаётганининг боиси ҳам шу. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бир неча йиллардан буён Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган "Муносабат" кўрсатувини тайёрлаб бораман. Албатта, эфирга таклиф қилинадиган соҳа мутахассисларидан тортиб аудиторияни йиғишгача бўлган жараён жуда тезкорлик ва сафарбарлик билан ишлашни талаб этади. Ундан ташқари, бу тўғридан-тўғри эфир, гапирилган гапни кесиб ташлаб бўлмайди. Шунинг учун дастлабки кўрсатувларни тайёрлашда, тўғриси, жуда қийналганмиз.

Қолаверса, таклиф қилинган мутасаддилар қўйилган мавзу, соҳа камчиликлари ҳақида гапиришдан қўрқишарди, юрак ҳовучлаб ўтиришарди. Эсимда, бир кўрсатувга тадбиркорларни йиғдик. Муаммо кўп, лекин тўғридан-тўғри эфирда тадбиркорлар ўз муаммоларини айтишни исташмади. Исташмади эмас, айтганидан кейин бошига бало ёғилишидан қўрқди. Лекин Президентимиз томонидан олиб борилган ислоҳотлар, тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланиши улар устидан бўлаётган босимларга барҳам берди. Тадбиркорлар бугун ҳақиқий ўз мулкининг эгасига айланди, жонли мулоқотларда ютуқ ва камчиликларини қўрқмай айтадиган бўлишди.

Турли даражадаги долзарб мавзулар "Муносабат"да тўғридан-тўғри эфирларда бериб борилганидан кейин, нокамтарлик бўлса ҳам айтаман, бу формат жуда оммалашиб кетди. Кўрсатувга таклиф этилган соҳа мутасаддилари, улар билан мулоқотга киришадиган турли аҳоли қатлами вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин айта оладиган бўлишди, сўз эркинлиги, фикрлаш эркинлигига шарт-шароит яратилди.

Лекин электрон оммавий ахборот воситаларида, жумладан, хусусий телевидениеларда берилаётган баъзи кўрсатувлар мавзуларини қўллаб-қувватламайман. Сабаби, бу кўрсатувлар телетомошабинни керагидан ортиқ соддалаштирилган ёки жўн ахборотга кўниктириб боряпти. Улар бирор ёмон воқеа ёки жиноят тўғрисидаги хабарлар орқали одамларни кўпроқ ўзига жалб этиш учун кимўзарга мусобақа ўйнаётганга ўхшайди. Ҳолбуки, ОАВ томошабиннинг дунёқарашини саёзлаштиришга, миясини турли-туман олди-қочди билан тўлдиришга эмас, балки уларнинг тафаккурини, дунёқарашини ривожлантиришга хизмат қилиши керак.

Биз, журналистлар яратилган имкониятлардан самарали фойдалансак, ўз ҳуқуқларимизни билсак ва ўзгалар ҳуқуқини бузмасак, оммавий ахборот воситалари чинакам тўртинчи ҳокимиятга айланади.

**Қуддус АЪЗАМОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

ЭЪЛОНЛАР

## 2021/2022 o'quv yilida Urganch davlat universitetining bakalavriat hamda magistraturasini bitiruvchi talabalarni ishga taqsimlash (tavsiya etish) jarayoni boshlangani ma'lum qilinadi

| № | Ta'lim yo'nalishlari va mutaxassisliklar: kodi | nomi | Jami | Davlat granti | To'lov-shartnoma | Urganch shahri | Xiva shahri | Bog'ot tumani | Gurlan tumani | Xonqa tumani | Hazorasp tumani | Xiva tumani | Qo'shko'pir tumani | Shovot tumani | Urganch tumani | Yangiariq tumani | Yangibozor tumani | Tuproqqal'a tumani | Xorazm viloyati bo'yicha | Boshqa viloyatlar | Qoraqalpog'iston Respublikasi | Xorijiy fuqarolar |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Universitet bo'yicha** | **4247** | **774** | **3473** | **448** | **92** | **257** | **291** | **412** | **178** | **301** | **266** | **312** | **371** | **193** | **156** | **30** | **3307** | **23** | **69** | **848** |
| | | Bakalavriat (kunduzgi) | 4047 | 669 | 3378 | 404 | 88 | 242 | 283 | 395 | 165 | 293 | 254 | 289 | 342 | 182 | 145 | 30 | 3112 | 22 | 65 | 848 |
| 1 | 5110800 | Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi | 53 | 10 | 43 | 10 | 2 | 4 | 8 | 6 | 2 | 7 | 4 | 2 | 3 | 1 | 3 | 1 | 53 | | | |
| 2 | 5110900 | Pedagogika va psixologiya | 58 | 11 | 47 | 3 | 3 | 1 | 9 | 5 | 2 | 7 | 1 | 7 | 4 | 5 | 6 | 1 | 54 | | 4 | |
| 3 | 5111018 | Kasb ta'limi: informatika va axborot texnologiyalari | 36 | 5 | 31 | | 1 | 3 | 5 | 2 | | 2 | 1 | 2 | 6 | 1 | 2 | | 25 | | | 11 |
| 4 | 5111100 | Musiqa ta'limi | 50 | 13 | 37 | 12 | 3 | 3 | 1 | 6 | 5 | 5 | 1 | 2 | 6 | 2 | 4 | | 50 | | | |
| 5 | 5111300 | Ona tili va adabiyot (Rus tili va adabiyoti o'zga tilli guruhlarda) | 175 | 20 | 155 | 16 | | 4 | 7 | 14 | 12 | 3 | 8 | 8 | 8 | 7 | 5 | | 92 | | 3 | 80 |
| 6 | 5111400 | Xorijiy til va adabiyoti (ingliz tili) | 323 | 37 | 286 | 45 | 11 | 16 | 34 | 19 | 18 | 17 | 15 | 18 | 23 | 14 | 7 | 1 | 238 | 4 | 8 | 73 |
| 7 | 5111600 | Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi | 62 | 11 | 51 | 7 | 1 | 6 | | 7 | 2 | 5 | 12 | 3 | 5 | 7 | 4 | | 59 | 3 | | |
| 8 | 5111700 | Boshlang'ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish | 155 | 16 | 139 | 19 | 3 | 21 | 12 | 22 | 9 | 9 | 12 | 22 | 6 | 14 | 5 | | 154 | 1 | | |
| 9 | 5111800 | Maktabgacha ta'lim 3-kurs | 133 | 17 | 116 | 7 | 9 | 9 | 11 | 24 | 5 | 19 | 9 | 13 | 9 | 7 | 7 | 1 | 130 | | 3 | |
| 10 | 5112000 | Jismoniy madaniyat | 218 | 22 | 196 | 7 | 1 | 23 | 19 | 8 | 5 | 9 | 9 | 28 | 16 | 5 | 4 | 2 | 136 | | 3 | 79 |
| 11 | 5112100 | Mehnat ta'limi | 64 | 11 | 53 | 2 | 2 | 4 | 9 | 11 | 1 | 2 | 4 | 8 | 8 | 6 | 6 | 1 | 64 | | | |
| 12 | 5120100 | Filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili) | 157 | 25 | 132 | 12 | 8 | 16 | 20 | 30 | 4 | 10 | 17 | 16 | 5 | 13 | 3 | 3 | 157 | | | |
| 13 | 5120112 | Filologiya va tillarni o'qitish (ingliz tili) | 238 | 20 | 218 | 20 | 5 | 6 | 15 | 19 | 8 | 7 | 7 | 7 | 14 | 12 | 7 | 3 | 130 | 2 | 1 | 105 |
| 14 | 5120113 | Filologiya va tillarni o'qitish (nemis tili) | 27 | 5 | 22 | | 2 | 1 | | 9 | 2 | 4 | 5 | | 4 | | | | 27 | | | |
| 15 | 5120114 | Filologiya va tillarni o'qitish (fransuz tili) | 37 | 6 | 31 | 2 | 1 | | 2 | 2 | 1 | 3 | 7 | 8 | 4 | 3 | 3 | | 36 | | | 1 |
| 16 | 5120300 | Tarix (mamlakatlar va mintaqalar bo'yicha) | 165 | 26 | 139 | 17 | 6 | 4 | 7 | 11 | 4 | 4 | 11 | 10 | 7 | 3 | 3 | 2 | 89 | 3 | 7 | 66 |
| 17 | 5120400 | Arxeologiya | 23 | 5 | 18 | | 2 | 2 | 2 | 2 | | 3 | 5 | | 5 | | 2 | | 23 | | | |
| 18 | 5130100 | Matematika | 108 | 21 | 87 | 2 | 1 | 9 | 14 | 8 | 14 | 8 | 5 | 6 | 1 | 7 | 1 | | 76 | | 3 | 29 |
| 19 | 5130200 | Amaliy matematika va informatika | 179 | 6 | 173 | 4 | | 6 | 6 | 11 | 3 | 5 | 4 | 6 | 3 | 4 | 4 | | 56 | | 1 | 122 |
| 20 | 5140100 | Biologiya (turlari bo'yicha) | 219 | 25 | 194 | 8 | 1 | 9 | 9 | 11 | 5 | 11 | 2 | 7 | 12 | 2 | 8 | 1 | 86 | 3 | 6 | 124 |
| 21 | 5140200 | Fizika | 122 | 25 | 97 | 12 | 2 | 10 | 9 | 6 | 14 | 6 | 6 | 1 | 7 | 6 | 6 | | 85 | | 2 | 35 |
| 22 | 5140300 | Mexanika | 28 | 5 | 23 | | | 8 | 2 | 4 | 2 | 2 | 3 | 4 | 1 | 1 | 1 | | 28 | | | |
| 23 | 5140500 | Kimyo | 147 | 26 | 121 | 8 | | 6 | 9 | 10 | 7 | 13 | 4 | 8 | 10 | 3 | 5 | 3 | 86 | | 4 | 57 |
| 24 | 5140600 | Geografiya | 111 | 14 | 97 | 3 | 1 | 4 | 8 | 5 | 4 | 4 | 4 | 3 | 8 | 1 | 2 | 2 | 49 | 2 | 4 | 56 |
| 25 | 5141000 | Tuproqshunoslik | 20 | 9 | 11 | | | 1 | 5 | 3 | | 1 | 2 | 3 | 2 | | 2 | | 19 | | 1 | |
| 26 | 5210200 | Psixologiya (faoliyat turlari bo'yicha) | 33 | 8 | 25 | 9 | | 2 | 5 | 3 | 1 | 2 | 1 | 1 | 3 | | | | 27 | 4 | 2 | |
| 27 | 5230100 | Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) | 72 | 9 | 63 | 19 | | 2 | 5 | 8 | 3 | 11 | 2 | 2 | 12 | 2 | 2 | | 68 | | | 4 |
| 28 | 5310500 | Avtomobilsozlik va traktorsozlik | 66 | 25 | 41 | 6 | | 12 | 4 | 14 | 5 | 5 | 2 | 3 | 12 | 1 | 2 | | 66 | | | |
| 29 | 5310600 | Yer usti transport tizimlari va ularning ekspluatatsiyasi (transport turlari bo'yicha) | 86 | 20 | 66 | 4 | | 13 | 6 | 5 | 3 | 8 | 8 | 11 | 5 | 15 | 4 | | 82 | | 1 | 3 |
| 30 | 5311500 | Geodeziya, kartografiya va kadastr (funksiyalari bo'yicha) | 51 | 16 | 35 | 2 | | 4 | 2 | 6 | 1 | 7 | 7 | 11 | 6 | 4 | | | 50 | | | 1 |
| 31 | 5320400 | Kimyoviy texnologiya (ishlab chiqarish turlari bo'yicha) | 73 | 20 | 53 | 9 | 2 | 2 | 2 | 9 | 4 | 10 | 5 | 8 | 11 | 6 | 2 | | 70 | | 3 | |
| 32 | 5320500 | Biotexnologiya (tarmoqlar bo'yicha) | 55 | 14 | 41 | 8 | | 3 | 2 | 6 | 2 | 6 | 6 | 4 | 7 | 3 | 8 | | 55 | | | |
| 33 | 5321000 | Oziq-ovqat texnologiyasi (mahsulot turlari bo'yicha) | 102 | 31 | 71 | 22 | 1 | | 2 | 15 | 1 | 10 | 12 | 6 | 18 | 8 | 5 | | 100 | | 2 | |
| 34 | 5321600 | Yengil sanoat texnologiyalari va jihozlari | 32 | 5 | 27 | | | 4 | 1 | 7 | | 1 | 4 | 8 | 3 | 4 | | | 32 | | | |
| 35 | 5340100 | Arxitektura (turlari bo'yicha) 5-kurs | 65 | 15 | 50 | 22 | 2 | 2 | 2 | 6 | | 8 | 6 | 4 | 10 | 2 | 1 | | 65 | | | |
| 36 | 5340300 | Shahar qurilishi va xo'jaligi | 57 | 15 | 42 | 4 | | 2 | 2 | 11 | | 6 | 6 | 8 | 9 | 1 | 4 | 1 | 54 | | 2 | 1 |
| 37 | 5340500 | Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish | 53 | 15 | 38 | 8 | 1 | 2 | 4 | 9 | 1 | 5 | 5 | 3 | 9 | 4 | 1 | 1 | 53 | | | |
| 38 | 5341000 | Qishloq hududlarini arxitektura-loyihaviy tashkil etish 5-kurs | 61 | 15 | 46 | 23 | 3 | 5 | | 2 | 1 | 3 | 5 | 4 | 10 | 1 | 2 | | 59 | | 2 | |
| 39 | 5410216 | Agronomiya (sabzavotchilik va polizchilik) | 24 | 6 | 18 | 1 | 1 | 1 | 3 | 3 | | 4 | 2 | 3 | 4 | 1 | 1 | | 24 | | | |
| 40 | 5410500 | Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi (mahsulotlar turlari bo'yicha) | 59 | 16 | 43 | 6 | 1 | 2 | 4 | 7 | 1 | 16 | 6 | 5 | 8 | 1 | 1 | | 58 | | 1 | |
| 41 | 5411100 | Dorivor o'simliklarni yetishtirish va qayta ishlash texnologiyasi | 25 | 5 | 20 | 5 | | | 3 | 1 | 1 | 5 | 1 | 1 | 3 | 1 | 2 | 1 | 24 | | 1 | |
| 42 | 5610200 | Mehmonxona xo'jaligini tashkil etish va boshqarish | 49 | 10 | 39 | 11 | 2 | | 3 | 6 | 1 | 4 | 5 | 2 | 9 | 2 | 3 | 1 | 49 | | | |
| 43 | 5610300 | Turizm (faoliyat yo'nalishlari bo'yicha) | 77 | 12 | 65 | 22 | 6 | 2 | 2 | 10 | 4 | 3 | 5 | 7 | 9 | 1 | 3 | 3 | 77 | | | |
| 44 | 5610535 | Sport faoliyati (xotin-qizlar sporti) | 52 | 11 | 41 | 3 | 3 | 4 | 4 | 6 | 4 | 5 | 3 | 4 | 13 | | 2 | 1 | 52 | | | |
| 45 | 5611500 | Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati (ingliz tili) 3-kurs | 12 | 2 | 10 | 2 | 1 | | 1 | 2 | 1 | 3 | | | 1 | | | | 11 | | 1 | |
| 46 | 5611500 | Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati (nemis tili) 3-kurs | 13 | 3 | 10 | 2 | | | | 2 | 2 | 3 | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 13 | | | |
| 47 | 5630100 | Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) | 22 | 5 | 17 | | | 4 | 3 | 2 | | 2 | 4 | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | 21 | | | 1 |
| | | Magistratura | 180 | 105 | 75 | 37 | 4 | 14 | 8 | 14 | 12 | 8 | 10 | 22 | 24 | 11 | 11 | | 175 | 1 | 4 | |
| | | Magistratura (qo'shma) | 20 | | 20 | 7 | | 1 | | 3 | 1 | | 2 | 1 | 5 | | | | 20 | | | |

**Murojaat uchun manzil: Urganch shahri, Hamid Olimjon ko'chasi, 14-uy. Tel/faks: (+998 62) 224-67-00; Elektron pochta: rektor@urdu.uz, rektor_urdu@edu.uz**

# ЧИРЧИҚ СУВИ ВА ҚИРҒОҒИ МУҲОФАЗАГА ОЛИНДИ

←1 Йиғилишда Чирчиқ дарёси ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартибининг бузилишини ва дарёни ифлослантирувчи манбаларни аниқлаш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилди ҳамда аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, вилоят ҳудудида норуда фойдали қазилмаларни ҳамда қум-шағал материалларини қазиб олишга 120 та хўжалик юритувчи субъект жалб қилинган бўлиб, шундан 58 таси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилган лицензия асосида ҳамда 62 таси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги "Хавфсиз дарё" ДУК билан шартнома асосида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан шартнома асосида 54 та, лицензия асосида 4 та, жами 58 та тадбиркорлик субъектида текшириш ишлари якунланди.

Текшириш натижасига кўра, 12 та тадбиркорлик субъекти томонидан 508 минг $м^3$ ноқонуний қум-шағал қазиб олиш ишлари аниқланган ва шундан шартнома асосида фаолият юритувчи субъектларнинг 11 таси рухсат этилмаган жойдан қазиши натижасида 494 минг $м^3$, 2 та тадбиркорлик субъекти эса рухсатномасиз ўзбошимчалик билан қазиш натижасида 16 120 минг $м^3$ қум-шағал ноқонуний олиб кетилган. Мазкур ҳолат юзасидан 8 та тадбиркорлик субъектига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд-товаршунослик экспертизаси тайинланди.

14 та тадбиркорлик субъектининг лицензияларини бекор қилиш бўйича судларга даъво аризалари киритилиб, 7 та тадбиркорлик субъектининг лицензиялари муддатидан олдин олиб қўйилган бўлса, 30 та ҳолатда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги "Хавфсиз дарё" ДУК билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартнома бекор қилинди.

Бундан ташқари, фуқаролар томонидан дарё ўзанларидан ноқонуний равишда қум-шағал қазиб олиш ҳолатлари аниқланиб, 26 нафар шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг тегишли моддалари билан 122 миллион сўм миқдорида маъмурий жарима чораси қўлланилди.

Мақолада таъкидланганидек, Чирчиқ дарёси қирғоқлари ва унга яқин ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, айрим корхоналарнинг атроф-муҳит мусаффолигига эътиборсизлиги туфайли экологияга ҳамда Чирчиқ дарёси сувига жиддий зарар етмоқда. Карьерларнинг шовқин-сурони оқибатида аҳоли тинчлиги бузилиб, уларнинг ҳақли эътирозлари юзага келмоқда. Тошкент табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси ходимлари иштирокида вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг атроф-муҳитни мониторинг қилиш бўлими (лаборатория) жалб этилиб, дарёнинг муҳофаза минтақаларида жойлашган ва дарёни оқова сувлар билан ифлослантираётган манбаларни аниқлаш мақсадида сувдан намуна олиниб, таҳлил ўтказилди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, 19 та корхонада ҳосил бўлган оқова сув таркибида ифлослантирувчи моддалар белгиланган меъёрларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди ва уларга 548 миллион сўмдан зиёд компенсация тўловлари ҳисоб-китоб қилинди.

Тошкент вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси "Халқ сўзи" газетаси билан ҳамкорликда табиатимиз софлигини асраш, дарё ва жилғаларнинг мусаффолигини таъминлаш ҳамда аҳоли ўртасида экологик маданиятни юксалтириш йўлида кўплаб хайрли ишларни олиб боради, деб ишонаман".


## МИЖОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

SANOAT QURILISH BANK

### «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг Тошкент шаҳридаги филиалларини ягона банк кодига ўтказиш орқали оптималлаштириш ҳақида

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Бошқарувининг 2022 йил 9 июндаги 70/3-сонли қарорига асосан муассаса тизимида амалга оширилаётган трансформация жараёни доирасида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Тошкент шаҳри минтақавий филиали, "Учтепа", "Олмазор", "Шаҳристон", "Сергели", "Миробод", "Қатортол", "Чилонзор", "Яшнобод", "Ракат", "Лабзак", "Ал-Хоразмий", "Мирзо Улуғбек" филиаллари "Ягона МФО" технологияси асосида банкнинг амалиёт бошқармасига ўтказилишини ва ушбу филиаллар негизида мос равишда "Тошкент шаҳри минтақавий" банк хизматлари офиси, шунингдек, "Учтепа", "Олмазор", "Шаҳристон", "Сергели", "Миробод", "Қатортол", "Чилонзор", "Яшнобод", "Ракат", "Лабзак", "Ал-Хоразмий", "Мирзо Улуғбек" номли банк хизматлари марказлари ташкил этилишини маълум қиламиз.

Тошкент шаҳри минтақавий филиали, шунингдек, "Учтепа", "Олмазор", "Шаҳристон", "Сергели", "Миробод", "Қатортол", "Чилонзор", "Яшнобод", "Ракат", "Лабзак", "Ал-Хоразмий", "Мирзо Улуғбек" филиалларининг барча мижозлари, корхона ва ташкилотлар мазкур филиаллар билан боғлиқ бўлган банк хизматлари ва бошқа муносабатларни давом эттириш учун хизмат кўрсатувчи тегишли филиалга ёки қуйидаги телефон рақамлари орқали қўнғироқ қилиб, мурожаат этишларини сўраб қоламиз.

**Алоқа маркази: 71-200-43-43; 1180.**


Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси телерадиокомпания раисининг биринчи ўринбосари
**Фарҳод МАҲМУДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси жамоаси бошқарув раиси Исфандиёр Латиповга умр йўлдоши
**Мамлакат ЛАТИПОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Ижтимоий фанлар, педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси Миясcар Каримовага фарзанди
**Ислом РАҲМОНАЛИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ALOQABANK

**«Алоқабанк» акциядорлик тижорат банки**
**Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2021 йил 25 декабрдаги 48-сонли лицензияси.**
**Манзил:100047, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 4-уй.**

## МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 2021 ва 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(млн. сўмда)*

| № | Моддалар | 2021 йил | 2020 йил |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | **Активлар** | | |
| 010 | Пул маблағлари ва пул маблағлари эквивалентлари | 1 983 755 | 735 883 |
| 020 | Бошқа банклардаги маблағлар | 424 016 | 297 784 |
| 030 | Қимматли қоғозларга киритилган инвестициялар | 468 030 | 383 155 |
| 040 | Мижозларга берилган кредитлар, шу жумладан, молиявий ижара | 8 389 513 | 5 923 797 |
| 050 | Асосий воситалар | 1 010 885 | 615 815 |
| 060 | Номоддий активлар | 65 577 | 34 331 |
| 070 | Фойда солиғи бўйича кечиктирилган активлар | 17 770 | 24 420 |
| 080 | Бошқа молиявий активлар | 84 897 | 27 597 |
| 090 | Бошқа номолиявий активлар | 87 069 | 58 767 |
| 100 | Сотиш учун мўлжалланган активлар | - | 82 886 |
| **120** | **Жами активлар** | **12 531 512** | **8 184 435** |
| | **Мажбуриятлар** | | - |
| 210 | Бошқа банкларнинг маблағлари | 1 647 383 | 802 399 |
| 220 | Мижозларнинг маблағлари | 6 924 609 | 4 940 189 |
| 230 | Бошқа қарз маблағлари | 2 281 503 | 860 859 |
| 240 | Бошқа молиявий мажбуриятлари | 71 079 | 20 245 |
| 250 | Бошқа номолиявий мажбуриятлари | 37 083 | 51 833 |
| 260 | Сотиш учун мўлжалланган мажбуриятлар | - | 42 004 |
| **270** | **Жами мажбуриятлар** | **10 961 657** | **6 717 529** |
| | **Хусусий капитал** | | - |
| 310 | Акциядорлик капитали | 959 519 | 959 519 |
| 320 | Тақсимланмаган фойда | 608 805 | 492 444 |
| 330 | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши | 1 531 | 14 943 |
| 340 | **Жами хусусий капитал** | **1 569 855** | **1 466 906** |
| **350** | **Жами хусусий капитал ва мажбуриятлар** | **12 531 512** | **8 184 435** |

Молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги «ПрайсвотерхаусКуперс» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги АФ серияли 00780-сон лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар ҳақидаги ахборот 2021 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, банк ҳисоботининг ҳаққонийлиги тўғрисидаги аудиторлик хулосасида қўшимчалар ва тушунтиришлар билан келтирилган.

## ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 2021 ва 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(млн. сўмда)*

| № | Моддалар | 2021 йил | 2020 йил |
|---|---|---|---|
| | | | |
| 010 | Самарали фоиз ставкаси усулида ҳисобланган фоизли даромадлар | 1 115 306 | 896 098 |
| 020 | Самарали фоиз ставкаси усулида ҳисобланган фоизли харажатлар | (602 011) | (501 428) |
| **030** | **Соф фоизли даромадлар** | **513 295** | **394 670** |
| 040 | Кредит операциялари бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси | (112 448) | (29 367) |
| **050** | **Кредит зарарлари бўйича харажатлардан кейинги соф фоизли даромад** | **400 847** | **365 303** |
| 091 | Комиссион даромадлар | 270 244 | 189 720 |
| 092 | Комиссион харажатлар | (172 035) | (100 738) |
| 093 | Фойда ёки зарар орқали адолатли баҳоланган молиявий инструментлар бўйича соф зарарлар | (9 855) | (2 035) |
| 094 | Хорижий валютани қайта баҳолашдан харажатларни чегирган ҳолдаги даромадлар | (5 357) | (13 553) |
| 095 | Фойда ёки зарар орқали адолатли баҳоланган молиявий инструментлар бўйича соф даромад/харажат | 14 185 | (2 325) |
| 096 | Шўъба корхоналарни сотилишидан олинган даромад | 10 657 | - |
| 097 | Бошқа операцион даромадлар | 13 589 | 3 173 |
| 098 | Шўъба корхоналарнинг фойдасидаги банкнинг улуши | 279 | 44 |
| 099 | Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар | (378 410) | (287 356) |
| **130** | **Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар даромад** | **144 144** | **152 233** |
| 140 | Фойда солиғи харажати | (28 049) | (34 064) |
| **150** | **Жорий йил фаолиятдан олинган фойда** | **116 095** | **118 169** |
| 151 | Тугатилаётган фаолиятдан олинган фойда | 520 | 148 |
| 153 | **Йиллик умумий фойда** | **116 615** | **118 317** |
| **160** | **Тўланадиган фойда:** | | |
| 161 | Банк акциядорларига | 116 361 | 117 895 |
| 162 | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши | 254 | 422 |
| 163 | Йиллик фойда | **116 615** | **118 317** |
| **170** | **Йиллик умумий фойда қуйидагилар:** | | |
| 171 | Йиллик умумий фойда | 116 361 | 117 895 |
| 172 | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши | 254 | 422 |
| **180** | **Йиллик умумий фойда** | **116 615** | **118 317** |
| 190 | Ҳар бир оддий акцияга тўғри келадиган базавий ва тақсимланмаган фойда | 15 | 15 |
| 200 | Ҳар бир имтиёзли акцияга тўғри келадиган базавий ва тақсимланмаган фойда | 15 | 15 |

## АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 2021 ва 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(млн. сўмда)*

| № | | Устав капитали | Қўшимча капитал | Қайта сотиб олинган ўз акциялари | Жами Устав капитал | Сотиш учун мўлжалланган мавжуд қимматли қоғозларни қайта баҳолаш жамғармаси | Тақсимланмаган фойда | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши | Жами хусусий капитал |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 010 | **2020 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ** | **955 607** | **3 912** | **-** | **959 519** | **-** | **374 548** | **14 875** | **1 348 942** |
| | Умумий йиллик даромад | | | | | | 117 895 | 422 | 118 317 |
| 020 | **Жами умумий йиллик даромад** | | | | | | 117 895 | 422 | 118 317 |
| 030 | Эълон қилинган дивидендлар | | | | | | - | (354) | (354) |
| 050 | **2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ** | **955 607** | **3 912** | **-** | **959 519** | **-** | **492 444** | **14 943** | **1 466 906** |
| 060 | Йиллик фойда | | | | | | 116 361 | 254 | 116 615 |
| 070 | Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши бўйича шўъба корхоналарга инвестицияларни кўпайтириш | | | | | | | 72 | 72 |
| 080 | **Жами йиллик даромад** | | | | | | 116 361 | 326 | 116 687 |
| 090 | Шўъба корхонанинг сотилишидан чиқиб кетадиган эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши | | | | | | | (13 738) | (13 738) |
| 100 | **2021 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ** | **955 607** | **3 912** | **-** | **959 519** | **-** | **608 805** | **1 531** | **1 569 855** |

## Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги йиғма ҳисобот 2021 ва 2020 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

*(млн. сўмда)*

| № | Моддалар | 2021 йил | 2020 йил |
|---|---|---|---|
| | **Операцион фаолиятдаги пул оқимлари** | | |
| 010 | Самарали фоиз ставкаси бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар | 1 058 756 | 820 590 |
| 020 | Тўлаб берилган фоизлар | (604 733) | (495 101) |
| 030 | Олинган воситачилик ҳақлари | 264 028 | 185 580 |
| 040 | Тўланган воситачилик ҳақлари | (172 035) | (100 738) |
| 050 | Хорижий валютадаги операциялардан даромад/харажат | 14 185 | (2 325) |
| 070 | Бошқа олинган операцион даромадлар | 9 324 | 3 004 |
| 080 | Ходимларга тўланган харажатлар | (235 334) | (181 146) |
| 090 | Тўланган маъмурий ва бошқа операцион харажатлар | (108 504) | (70 115) |
| 100 | Тўланган фойда солиғи | (30 300) | (41 154) |
| **110** | **Операцион актив ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга қадар операцион фаолиятдаги пул оқимлари** | **195 387** | **118 595** |
| 120 | *Операцион активларнинг соф (кўпайиши)/камайиши* | | |
| | Бошқа банклардаги маблағлар | (28 573) | 243 408 |
| | Мижозларга ажратилган кредитлар | (2 244 947) | 22 414 |
| | Бошқа активлар | (65 242) | (23 321) |
| | *Операцион мажбуриятларнинг соф (камайиши)/кўпайиши* | | |
| 161 | Мижозларнинг маблағлари | 1 552 672 | (123 954) |
| 162 | Бошқа банклардаги маблағлар | 839 885 | 136 940 |
| 163 | Бошқа мажбуриятлар | 27 102 | 11 729 |
| **170** | **Операцион фаолиятдаги соф пул оқимлари** | **276 284** | **385 811** |
| | Инвестиция фаолиятдаги пул оқимлари | | |
| 181 | Амортизация қилинган қиймат бўйича ҳисобга олинган қарз қимматли қоғозларга инвестицияларни сотиб олиш | (405 748) | (512 918) |
| 182 | Амортизация қилинган қиймат бўйича ҳисобга олинган қарз қимматли қоғозларни сотиб олишдан олинган маблағлар | 368 805 | 190 000 |
| 183 | Боғланган компаниялардан сотиб олиш | (53 900) | (971) |
| | Шўъба, қарам хўжалик жамиятлари ва биргаликдаги корхоналарга сотишдан ечиб олинган накд соф пул | 31 675 | - |
| 185 | Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш | (455 683) | (301 596) |
| **200** | **Инвестициявий фаолият бўйича пул маблағлари соф харажати** | **(514 851)** | **(625 485)** |
| | ***Молиявий фаолиятдаги пул оқимлари*** | | |
| 330 | Тўланган дивидендлардан | - | (354) |
| 340 | Бошқа қарз маблағларини олишдан | 1 594 921 | 605 556 |
| 350 | Бошқа қарз маблағларини қайтаришдан | (174 949) | (253 226) |
| **360** | **Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари соф пул оқимлари** | **1 419 972** | **351 976** |
| 370 | Айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига таъсири | 66 467 | 50 191 |
| **380** | **Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши** | **1 247 872** | **162 493** |
| 390 | **Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари** | 735 883 | 573 390 |
| **400** | **Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари** | **1 983 755** | **735 883** |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 259 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.30 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6